

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факултети
«5640100-Ветеринария» таълим йўналиши**

БОЛТАЕВ ҒИЁС

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Сассиқ қоврак донининг қўчқорлар спермасининг миқдор в сифат
кўрсаткичларига таъсири.**

Илмий раҳбар, доцент

Ниёзов Ҳ.Б.

**Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факултети
декани, доцент _____
Н.О.Фарманов
« ____ » _____ 2012 йил**

**“Ҳайвонлар анатомияси,
физиологияси, жарроҳолик ва
фармакология” кафедраси мудири,
в.ф.д., доцент _____ Р.М.Таштемиров
« ____ » _____ 2012 йил
№ _____ - сонли йиғилиш баёни**

МУНДАРИЖА

I.Кириш.....	3
1.1.Ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти.....	11
II. Адабиётлар таҳлили	
2.1. Ўрта Осиёда ўсадиган Ferula L туркумининг табиий географик ҳудудий тарқалиши	
2.2. Ўсимликнинг вегетация давлари ва кимёвий таркиби	
2.3. Сассик коврак усимлигининг фармоко-токсикологияси.	
2.4.Асафетида усимлигининг халқ хужалигидаги аҳамияти.	
III. ШАХСИЙ ТЕКШИРИШЛАР	
3.1. Текшириш материаллари ва услубиёти.....	29
3.2.Сассик коврак донининг қўчқорлар организмига таъсири	
3.2.1. Клиник кўрсаткичлари	
.....	33
3.2.2.Сассик каврак донининг қўчқорлар спермасининг физикавий ва морфологик хусусиятларига таъсирини	
IV. Олинган натижалар таҳлили.....	53
IV. Ветеринария ишини ташкил этиш ва иқтисоди.....	
V. Қўйчиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш.....	
VI. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	
6.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш.....	
6.2. Фуқаролар мудофааси.....	
VIII. Хулосалар	67
IX. Ишлаб чиқаришга тавсиялар.....	68
X. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69

XI. Илова.....	72
XII. Интернет маълумотлари.....	74

I. КИРИШ

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан 23 март 2006 йилда чиқарилган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 308-қарори чорвачиликни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди.

Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш учун контрактация шартномалари қайта ишлаб чиқилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдан бўшаганлар учун қўшимча иш ўринларини, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш, қишлоқ жойларида бозор инфраструктурасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини янада яхшилаш ветеринария лабараторияларини ва зооветеринария пунктларини замонавий ускуна ва инвентарлар билан жихозлаш, уларни малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича муҳим қарордир. Ундан ташқари ҳар бир боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари дала бошида 4 бошдан қорамол ва 100 бош парранда боқиш бўйича муҳим қарор бўлиб ҳисобланади. Ундан ташқари қарорда бошқа фермер хўжаликлари ҳам мустасно эмас. 2006 йилдан буён республикада қўшимча 417 зооветеринария

пунктлари ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг сони қарийб 2,2 мингтага етди.

Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора тадбирларини изчил амалга ошириб борилаётгани аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келтираётган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришга, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та пункт ташкил этилиб, 2010 йилда уларнинг сони 2443 тага етказилди. Тўлиқ хизмат кўрсатиш даражаси 6 марта ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида.

Мамалакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мамлакатимиз йигит-қизлари XXI-аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингани муносабати билан:

1. Баркамол авлод йили давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга уларни баркамол ривожлантиришни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган. Меъёрий ҳуқуқий базани такомиллаштириш амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Соғлом она – соғлом бола дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасида тақдирларни янада кучайтириш,

оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлашни текшириш устивор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишини ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кўпайтириш.

Тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув услубий адабиётларини такомиллаштириш.

Таълим жараёнига янада ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни электрон дарслиklar, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида касб-хунар коллежлари, лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқиши сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларини ўқув лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда рағбатлантириш бўйича самарали тизимини янада ривожлантириш.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш.

Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни айниқса қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғуллантиришга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини стадионларини ва иншоотларини қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жихозлар билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амлага оширилаётган ишларни изчил кучайтириш.

Иқтисодий таркибий ўзгартиришни муҳим йўналиши аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини сақлантириш асосида бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш. Бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар авваламбор касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш.

Илм фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш. Уларни ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқариш.

Ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурдир.

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат.

Авалло жаҳон молиявий инқирози ҳақида: бу инқироз Америка қўшма штатларида ипотекали кредитлаш тизисида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб йирик банклар ва молиявий тизимларнинг ликвидлик яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқорозга айланиб кетди.

Дунёнинг етакчи фонд бозорида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишга олиб келди. Буларнинг барчаси ўз навбатида кўплаб мамлакатларда ишлаб

чиқаприш ва иқтисодий ўсиш суръатларини кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Ҳозирги вақтда етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларгадоир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Биринчидан, молия банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, ретрессия иқтисодий ва пасайишининг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайтирилиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда ушбу давлатнинг молиявий иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканлигига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканлигига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳоти ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларидан амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало «Шок терапияси» деб аталган усулларини бизга четдан туриб жорий этишига уринишлардан бозор иқтисодиёти ўзини - ўзи тартибга солади деган ўта жўнг ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик.

Маъмурий буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизими жараёнида тадрижий ёндашувни «Янги уй қурмасдан эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда ислоҳотларни изчил ва босқичма босқич амалга ошириш йўлини танладик. Энг муҳими парокандалик ва бошдоқлик таъсирига тушиб кетмаслик учун ўтиш давридаги айнан давлат бош ислоҳотчи сифатида маъсулиятни ўз зиммасига олиш зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик.

Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатларини тақазо этган ҳолатларда ва кескин вариантлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай яшовчи охир оқибатда тўла оқлади.

Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий иқтисодий бюджет банк-кредит тизими, шунингдек иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашни таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратишганининг ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъқиқлаш жоиз.

Айрим масалаларга тўхталиб ўтсак. Ҳеч кимга сир эмаски бугун кенг қўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятларининг заифлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, сода қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизда эса биргина тижорат банкларининг активлари миқдори «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» ги қонунга мувофиқ таъқиқланган. Захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард суммадан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитларидан 2,4 баровар кўп демакдир.

Минтақамиз ва хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқумсиз касалликлари, барча касалликларнинг ўртача 94-96 фоизини ташкил қилади. Бу касалликлар хўжаликларда иқтисодий зарар маҳсулдорликнинг кескин пасайиши, ҳайвонларни муддатдан олдин ҳисобдан чиқариш, мажбурий сўйиш ва айрим ҳолларда уларнинг ўлими ҳисобига кузатилади.

Мамлакатимизда чорвачиликни янги типдаги шахсий мулкчиликга асосланган янги хўжалик негизида ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг

2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПК 308 сонли, 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПК-842 сонли қарорларининг бажарилишини таъминлаш, ички бозорни ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу жумладан, чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш ва шу орқали мамлакатда озиқ-овқат билан таъминлашда юқумсиз касалликлар, айниқса ҳайвонларни минерал ва ўсимликлар билан заҳарланишини олдини олиш бу долзарб муаммони ечишда асосий тўсиқлардан бири бўлиб келмоқда.

Бу муаммони ечиш эса ҳайвонларни ирсий потенциалларини яхшилаш, ҳайвонлар учун тўйимли озуқа базасини яратиш, уларни зотини яхшилаш ва улардан янги технологияларни жорий қилиш орқали сифатли, рақобатбардош маҳсулот олиш билан чамбарчас боғлиқдир .

Бундан ташқари мамлакатда саноат муассасаларини Қизилқум минтақаларига кўчирилиши ушбу зоналарда саноат ишлаши билан боғлиқ бўлган баъзи бир заҳарли моддаларни тарқалиши, бунинг устига Орол денгизини қуриб қолиши туфайли минтақани нурланиши айрим флорани йўқолиб, унинг ўрнига тақирларни пайдо бўлиши бундай шароитда саноат чиқиндиларидан ҳосил бўлган айрим заҳарли моддаларни меъёрдан ортиб кетиши, бундай моддаларни назорат қилиш, аниқлашнинг объектив усулларини мавжуд эмаслиги, бандан ташқари бундай ноқулай шароитда ҳайвонлар озуқаси таркибида ҳосил бўлган заҳарли моддаларни зарарсизлантиришнинг самарадор усулларини ишлаб чиқилмаганлиги, бундай моддаларни юқори даражада кумуляция бўлишига сабаб бўлади ва кўп ҳолларда бу минтақада боқиладиган ҳайвонларни ўлимига сабаб бўлади. Бундай шароитда қорақўлчиликни асосий ривожлантирадиган ва озуқа базасини негизини ташкил қиладиган Қизилқум зонасида экотизимни издан

чиқиши, чўл флорасига хос бўлган кўпгина эфирер ўсимликларни йўқолиб кетиши ва бу иқлимий зонада илмий асосланган агротехнологик жараёнларни ташкил қилиб чўл минтақаси шароитида ўсишга мослашган, хусусан озукабоп экинлар плантацияларини яратишни тақозо қилади. Шунинг алоҳида қайд қилиш жоизки, чўл минтақасида ўсадиган ва бу иқлимий шароитга мослашган бир ва кўп йиллик ўсимликлар орасида фойдали ва чорва озукаси таркибини асосий қисмини ташкил қиладиган ўсимликлар билан бир қаторда улар орасида заҳарли бўлган ёки таркибида заҳарли биологик актив моддалар сақловчилари ҳам мавжуд (У.Рахмонкулов, 1996, 1999). Бундан ташқари чўл экотизимини издан чиқиши унда боқиладиган ҳайвонлар табиий резистентлигига салбий таъсир кўрсатади. Ҳайвонлар организмида айниқса сувда эрувчи витаминлар, макро ва микроэлементлар етишмаслиги натижасида турли касалликларга чалиниши ортади, маҳсулдорлиги ва маҳсулот сифати ёмонлашади. Бундай шароитда ҳайвонларни касалликларини олдини олиш ва даволашларни рационал усулларини қўллаш, шу сабабларни барчаси Республика иқтисодиётига сезиларли зарар етказди ва ечиши зарур бўлган шу бугунги ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

1.1.Ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти

Сассиқ қоврак ўсимлигини чўл зонасида ҳайвонлар озукасини 25-35 % ни ташкил қилиши бу қоракўл қўйлар, туялар, қорамоллар рационини асосий қисмини ташкил қилишини инобатга олиб, унинг чорвачиликда озукавий ўсимлик эканлиги тўғрисида Благовешенский А.И. ва бошқа ларнинг (1989) маълумотида кўра чўлда ўсадиган озукабоп ўсимликлар орасида кимёвий таркибига кўра энг бой, яъни унинг таркибида 8,3 % оксил, 22,8 % протеин, 11,2 % эриган қанд борлиги ва унинг мавсумига қараб барги, қурилган пояси, таначалари, уруғи барча ҳайвонлар томонидан чегараланган меъёردа истеъмол қилиниши ва айниқса унинг уруғи ёғ тўплайдиган озуқа таркибига кириши аниқланган.

Ferula L турига кирувчи ўсимликлар гулининг асалчиликдаги аҳамияти айниқса бекиёс ва тенгсиздир, чунки ўсимлик гули май-апрел ойларида узок муддат катта-катта плантацияларда гуллаши бу минтакаларда асал олиш учун хизмат қилади .

Ferula L туркумига кирувчи айниқса Ўрта Осиёда кенг тарқалган *F.foetida* ўсимлиги фармацевтикада кўпгина дорилар тайёрлашда қўлланилиб, улардан олинадиган биологик актив моддалар асосида дори моддалари олиндиб, одамлар ва ҳайвонларни даволашда кенг қўлланилиб келинмоқда, айниқса ўрта асрлар тиббиётида Абу али ибн Сино, 1956, Абу Райхон Беруний, 1973, Карлуков ва бошқалар, 1994, Абдураимов, У. Раҳмонқулов, 1995 лар ўсимликни пояси ва лавлагисидан олинган шира ёрдамида кинна, асафоеида, сапоген, гальбанум, сумбул, аммониякумлар ёрдамида қонни тўхтатадиган восита, балғам ҳайдайдиган организмни биологик қўзғатадиган, умумий қувватини оширадиган, гельминт ва паразитларни одам организмидан чиқарадиган ва ҳомилани туширадиган таъсир кўрсатиб бир қатор касалликларни даволашда, жумладан жигар касалликларида, туберкулёз, бронхиал астма, отит, истерия, диарея, гипохондрия, паранхия, холера, қандли диабет, ревматизм, сифилис, фалажланишларда, гастрит, иситма, лимфоденит, тиш оғриғи, катаракта ва йирингли яраларни даволашда кенг қўлланилиб келинмоқда .

Бугунги кунда коврак илдизидан олинадиган унинг елими (смоласи) кенг қўлланилмоқда. *Ferula assafoetida* марказий Осиё флорасида Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон давлатларидан ташқари бу ўсимлик Афғонистонда, Покистонда ва Ҳиндистонда кенг тарқалган. Европа табобатида ҳам *F. Assafoetida*дан олинган дори моддалар Европа табобатида қўлланиб келинган. Ҳозирги пайтда *F. Assafoetida* дан олинган смола фармацевтикада саноат даражасида ҳам ашё сифатида Эронда, Покистонда, Афғонистонда фойдаланилиб келинмоқда. Бундан ташқари Европа ва жаҳон табобатида Эронда, АҚШда, Швецияда, Германияда, Португалияда официал дори воситаси сифатида қўлланилиб келинмоқда. Россияда эса *F. Foetida* ва

F.sunbul дан олинган смола гемапатида ишлатилади. Кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги С.Ю. Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан F. Assafoetida смоласи негизида олинган ва Тошкент фармацевтика заводида ишлаб чиқиладиган эстроген хусусиятига эга бўлган панаферол, куфестрол, зафарол воситалари товуклар тухум маҳсулдорлиги ни оширса, қўй ва қорамолларда эса улар бепуштлигини олдини олиш учун ишлатилади. (Н.Н. Нажмитдинова, 2007; R.M. Khalilov et al., 2007; Р.М. Халилов ва бошқ., 2008; М.А. Маматханова ва бошқ., 2008; Р.М. Халилов ва бошқ., 2008; М.А. Маматханова ва бошқ., 2009; М.А.Маматкханова et al., 2009; М.А. Маматханова ва бошқ., 2009; Ш.Ш. Сагдуллаев ва бошқ., 2009; Ш.Ш. Сагдуллаев ва бошқ., 2010).

Шундай қилиб *Ferula L* туркумига кирувчи *Ferula assafoetida* биологик актив моддалар олинувчи терпеноид ўсимликлар турига кириб фармацевтика ва янги дорилар ишлаб чиқаришда катта қизиқиш уйғотадиган соҳалар туркумига киради. (Н.Н. Нажмитдинова, 2007; М.М.Маматкханова, 2007; М.А. Маматханова, Р.М. Халилов, 2007; М.А. Маматханова ва бошқ., 2008; М.А. Маматханова, 2011).

Шундай қилиб, чорвачиликда ва асаларичиликда озиқа манбаи, табобатда дори воситаси ва саноатда хом ашё сифатида фойдаланишга қарамасдан *Ferula L* туркумига кирувчи бу ўсимликнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 106 тури ўсади, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки бу ўсимликни бениҳоят ижобий кўрсаткичлари билан бир қаторда *Ferula L* туркумига мансуб бўлган ва мамлакатимиз минтақасида чўл озиқа ўсимликлари орасида асосий салмоғини ташкил қиладиган ушбу ўсимликнинг айрим турларининг ҳайвонлар организми учун захарли эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Шу туфайли чўл, яйлов чорвачилигида айниқса қорақўлчиликда ҳайвонлар касалликлар орасида сабаби аниқланмаган касалликлар мавжуд бўлиб, улар чорвачиликга катта иқтисодий зарар етказади. Айниқса Қизилқум шароитида кенг тарқалган F.

assafoetida ўсимлиги ва уруғини қоракўл қўйлари организмига таъсири тўғрисида аниқ ва илмий асосланган маълумотлар йўқ. Шунга қарамасдан ушбу зоналарда чорвачилик хўжаликларида ўсимлик барги, танаси, уруғи ва бошқа вегетатив органлари қ.х.ҳайвонлари томонидан чегараланмаган миқдорда истеъмол қилинади, бу эса ушбу соҳани ривожлантиришда тўсик бўлиб қолаверади. Шу туфайли *Ferula* L ўсимлигини қ.х.ҳайвонларини организмига ижобий таъсири билан бир қаторда унинг салбий томонларини ўрганиб, ўсимликни қоракўл қўйлари учун заҳарли даражасини ўрганиб унга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

1. Сассиқ қоврак донининг қўчқорлар клинко-физиологик кўрсаткичларига таъсири ўрганиш.

1. 2. Сассиқ қаврак донининг қўчқорлар спермасининг физикавий ва морфологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш.

II. Адабиётлар таҳлили

2.1. Ўрта Осиёда ўсадиган *Ferula L* туркумининг табиий географик ҳудудий тарқалиши

Республикамиз чорвачилигида қорақўлчилик асосий соҳалардан бири ҳисобланади. Бу соҳани ривожлантириш эса яйлов, адир ва чўллардан унумли фойдаланиш, уларни мелиоратив ҳолатини яхшилашни ва чўл иқлимига мослашган озуқабоб экинларни экишни тақозо этади. Кўпроқ чўл озуқабоб ўсимликлари: шувоқ, янтоқ, ёввойи майса, сассиқ каврак ва бошқа ўсимликлар киради.

У. Раҳмонқулов (1999) маълумотига кўра Республикамизнинг чўл ҳудудларида сассиқ каврак кўп ўсиб, у Қизилқум чўлларида 2 млн гектарни ташкил этади. Чўл шароитида асосан кўпроқ қорақўл қўйлар боқилади ва кўпайтирилади, эрта баҳорда ўсимликлар униб чиққанда сассиқ каврак ҳам кўкаради ва уни қўйлар ея бошлайди, май ойларида у уруғ тугади, унинг уруғини ҳам қўйлар яхши ейди.

Жуда бой флора Марказий Осиёга, жумладан Ўзбекистонга ҳам ҳосдир ва унинг ҳудудида МДХ да маълум бўлган ўсимликларнинг 30 % ўсади. Бу ўсимликларнинг кўп турлари халқ табобатида ва ветеринарияда турли хил касалликларни даволашда кенг қўлланилади. (Л.Д. Котенко, 2009).

Абу Али ибн Сино (1956) МДХ мамлакатлари ҳудудида ўсадиган *Ferula L* туркумига мансуб бўлган 96 турни келтирса, Туркманистон флорасида 18 турни, Ўзбекистон флорасида 38 турни, Қозоғистон флорасида 48 турни, Тожикистон флорасида 38 турни ва Қирғизистон флорасида 32 турни келтириб ўтадилар.

М.Г. Пименов (1983) Ўрта Осиёда ўсадиган соябонли *Ferula L* туркумига кирадиган ўсимликларни 9 та янги туркумини ва 42 та янги турини ёзган, шунга асосланган ҳолда МДХ мамлакатлари ҳудудида ўсадиган *Ferula L* туркумининг янги классификациясини тақдим этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, М.П. Пименовнинг янги системаси Е.П. Коровиннинг системасидан катта фарқ қилади. М.Г. Пименовнинг системаси бўйича *Ferula L* туркуми 18 та секцияга ажратилган.

Шундай қилиб, *Ferula L* туркуми систематикаси жуда яхши ўрганилган ва ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда унинг 106 тури ўсади, асосан тоғли ҳудудларда унинг 96 тури ўсиб муносиб ўринни эгаллайди.

Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудлари Эрон-Турон вилояти ва Афғон-Турон провинцияларига киради .

Сассиқ коврак селдердошлар (соябонгулдошлар) – *Аріассае* (*Umbelliferae*) оиласига мансуб, бўйи 1,5 м гача етадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. У. Рахмонқуловнинг (1999) таъкидлашича, 8-9 йилдан сўнг поя чиқариб, тик ўсадиган пояси йўғон бўлиб юқори қисми шохланган бўлади. Илдиз олди барглари бандли, чўзинчоқ ёки ланцетсимон уч бўлакка ажралган, поядаги барглари эса, майдароқ бир неча марта патсимон қирқилган бўлиб, куни билан кетма-кет ўрнашган. Мураккаб соябон тўпгулига жойлашган гуллари беш бўлаккли бўлиб, оқ сариқ рангда бўлади. М.Г. Пименовнинг (1983) маълумотига кўра сассиқ коврак март-апрел ойларида гуллаб, апрел-май ойларида қўшалок писта мева тугади.

Сассиқ коврак (*F. assa-foetida*) ўсимлиги (У.Рахмонқулов, 1995; 1999;) Ўрта Осиёдаги даштларда, ялангликларда, қумли чўлларда, тоғ тупроқли ерларда, баъзан тоғ олди текисликларда ўсади. Республикамизнинг қумли-гравий ва лёсс текисликларида Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғ олди текисликларида, Бухоро, Навоий ва Қорақалпоғистоннинг қумли чўлларида, Тожикистоннинг Ленинобод вилоятини Самгар массивида, Туркманистонда Бадхиз текислигида, Келифга яқинлашган текисликда, Кучитонг шимолида, Қизилўрда атрофларида, Қозоғистонда Чимкент ва Джамбул вилоятларининг Арыс станцияси ва Туркистон шаҳри оралиғида ниҳоятда кенг ва қалин ўсадиган плантациялар мавжуд бўлиб, ҳатто баъзи жойларида қалин чакалакзорлар ҳосил қилган.

У. Рахмонқуловнинг (1995) кўрсатишича Ўрта Осиё тоғлари ва тоғ ёнбағирларида ковракнинг (*Ferula* L)нинг 96 тури мавжуд бўлиб, унинг 55 таси Ғарбий Тяньшан минтақасида ўсади. Улардан 30 хилининг таркибида биологик фаол сесквитопен лактонлар, терпеноид кумаринлар ва мураккаб эфир бирикмалари мавжуддир. Улардан айримлари фармакологик тадқиқотлар учун маълум аҳамият касб этади.

Н.Н. Нажмитдинова, А.И. Саидходжаевларнинг (1993) таъкидлашича, коврак ўсимлиги таркибида учрайдиган терпеноидли бирикмаларни текшириш қуйидагиларни кўрсатди: Ковракнинг энг қадимий турларидан бири бўлган *Scorodesma* да кумарин борлиги, бошқа барча турларида терпеноид кумаринлар ва сесквиторпен лактонлари борлиги аниқланган бўлса, *Pencedonoides* нинг айримларида мураккаб эфирлар кўпчиликини ташкил этиши қайд қилинган.

Бу ўсимликларнинг ҳар хил органларида биологик фаол моддалар бир бўлиб, уларнинг миқдори ўсимликларнинг ривожланиш босқичига ва экологик шароитларга қараб ўзгарувчандир.

Р.В. Камелиннинг (1979) фикрича ковракнинг кўпчилик хиллари тоғ ва тоғ олди минтақасида ўсувчи йирик ўтлар билан биргаликда ўсади.

Ғарбий Тяньшан тоғларининг Тошкент Ола тоғ тизмалари атрофида ўсувчи ўтларни ва ковракларни , Қирғизистон тоғ чўққиларида Тошкент вилояти Бўстонлик туманида, Паркент тоғ ўрмон қўриқхонаси ва минора Тош тоғларида, Чотқол қўриқхонасида (Н.Н. Нажмитдинова ва бошқалар , 2007) Тошкент вилоятидаги Жунғор ферулеси ва Бухоро вилоятидаги татар ферулеси устида илмий изланишлар олиб борганлар.

Сассиқ ковракнинг тарқалиш тарихи жуда мураккаб, уни кенг тарқатишга жуда кўп ижобий ишлар қилинган. Бизнинг эрамыздан аввалги IV асрларда сассиқ коврак Шимолий Африкада кенг тарқалганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Кейинчалик унинг илдизидан шира олиш натижасида у кўп режаларда аста-секин камая бошлаган ва айрим регионларда I асрларга келиб бутунлай йўқолиб кетган. Ҳозирги кунда бошқа регионларда ҳам аста-секин

улар миқдори камайиб бормоқда. Ушбу ўсимликнинг йўқолиб кетишига асосий сабаб деб таъкидлайди Ш. Панжиев (2007) вахшийларча тонналаб смолани йиғишдир.

У. Рахмонкулов (1999) маълумотига кўра сассиқ коврак ҳозирги кунда фақатгина Эрон, Афғонистон ва Ўзбекистоннинг кенг майдонларида ўсади.

2.2. Ўсимликнинг вегетация даврлари ва кимёвий таркиби

Ferula assafoetida ўсимлиги Марказий Осиё флорасида Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон давлатларидан ташқари Афғонистон, Покистонда ҳам кенг тарқалган.

Сассиқ каврак соябонгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 100-120 см га етадиган монокарпик, ҳаётида бир марта гуллаб, мева берадиган, кўп йиллик ўсимликдир. Каврак баҳорда кўкариб фақат илдиз олдди барглари ҳосил қилади. Барглари йилдан-йилга катталашиб боради, илдизи йўғонлашиб, кўп миқдорда озиқ моддалар тўплайди. У ҳаётининг 7-13 йиллари поя ҳосил қилади ва гуллайди (У. Рахмонкулов, 1995, 1999).

Уруғ бериш палласига кирган йили баргларининг узунлиги 50-60 см, диаметри 1 метргача етади. Март-апрел ойларида гуллайди. Генератив навдасининг учиди сариқ рангли мураккаб соябон шаклли тўпгул ҳосил қилади. Уруғлари май-июн ойларида пишади (У. Рахмонкулов, 1999).

Сассиқ каврак фақат энди чиққан яшил барра барглари, пичан ҳолида ва пишган уруғлари ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинади. Каврак уруғида 14-19 % протеин, 8 % ёғ, 37-47 % азотли экстрактив моддалар ва 23-27 % клетчатка мавжуд (У. Рахмонкулов, 1999).

Аммо каврак турлари орасида заҳарли ўсимликлар ҳам бор, айниқса баҳорда кавракнинг ер усти пояси қўй, қорамол, йилқи ва чўчқа учун хавфли.

Кавракнинг заҳарлилиги унинг таркибида ферулин алколоиди, айниқса этилли эфир-сирка кислотасининг 4-оксикумарини ва умбелиферонлар ҳисобига юз беради. Бу моддалар К витаминининг душмани ҳисобланади, жигар фаолиятига, қон уюшишига салбий таъсир қилади.

Заҳарланган ҳайвонларда камқонлик, тахикардия, юак аритмияси, ичакдан қон оқиши кузатилади.

Кавракларнинг озуқавий аҳамияти уларнинг барча тур ҳайвонлари томонидан ейилишида, айниқса уларнинг уруғлари тўйимлидир.

Баҳорда кавракнинг шапалоқ баргларининг қўй-эчки ва туялар эса, гуллаш даврида уларнинг шохчалари ва уруғларини хўш кўришади. У. Раҳмонқуловнинг (1999) маълумотларига кўра яйловлар ҳосилдорлиги каврак ўсимлиги ҳисобига 25 % га ошади, Қизилқумнинг жузғунли, изетли, қорасаксовулли яйловларда ҳосилдорлик 10 % га ошади. Бу кўрсаткич яйловлар баландлиги (денгиз сатҳидан) оша бориши билан яна ҳам кўпроқ бўлади.

С.М. Карповнинг (1954) маълумотларига кўра каврак таркибидаги протеин 14,34 % ни, жом мой 9,7 % ни, клетчатка 16,9 % ни ташкил қилади. Каврак бедасидаги мой миқдори кунжараникидан кўпроқ ҳазмланувчи оксил миқдори нўхатникига тенглигини, калий ва фосфор миқдори беданикига тенг, темир ва олтингугурт миқдори уникидан кўпроқ бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Каврак бедасининг тўйимлилик даражаси (72,24 кг озиқа бирлиги) буғдой жармасиникидан (71,2 кг озиқа бирлиги) кўпроқ. Кавракнинг бир ўсимлиги бир бош қўчқорнинг сутка давомида озиқланишига етарлидир.

Таркибида эфир мойлари, смола (сақич), карбон сув ва бошқа моддалар сақловчи кавракдан ҳар хил касалликларни даволашда кенг фойдаланилган. Ўсимлик илдизи ва поясини нг кесилган жойидан киппа, асафетида, сапаюн, сумбул, аммониккум деб аталувчи доривор сақичлар олинган.

Каврак суюқлиги қон тўхтатувчи, томирлар спазмини тўхтатувчи, яралар битишини тезлаштирувчи, балғам ажратувчи, кучга тўлдирувчи, қуртларни туширувчи восита сифатида фойдаланиб келинган. Кейинроқ улардан олинган доривор сақич (смола)дан тинктур, пилюли, эмуяни) ва пластырлар тайёрланган.

Ўрта Осиёда асафетидадан жигар, ошқозон-ичак йўли органларини, неврозларни даволашда, томирлар торайишини, ўт ҳайдашда, дам қисма (бронхиал астма), ўпка сили, шакарли диабетни, сифилисни, захарли ишималарни даволашда фойдаланиб келинган.

Кавракдан олинган сақичнинг кимёвий таркибини ўрганиш XX асрнинг 30-чи йилларидан бошланган эди. Бунда каврак сақичидан умбеллиферон, ферул ва гальбан кислоталари, кумарин ва органик сульфидлар фарназиферол А, В, С, эфир мойлари ажратиб олинишига эришилди.

Панаферол, куфэстрол ва зафарол препаратлари ветеринария амалиётида товуклар тухумдорлигини оширишда, қўй ва сигирлар қисирлигининг олдини олишда кенг қўлланилади. Тефэстрол препарати жинсий касалликларни, яъни дисменория, тухумдонлар гипофункциясига, жинсий ожизлик, бепуштлиқ, бачадоннинг дисфункционал қон оқиши касалликларида ишлатилади.

Каврак дамламаси қонга қўйилганида артериал қон босими тушади, ошқозон девори безлари фаоллигини оширади, ошқозон-ичак моторикасини кучайтиради.

Ўзбекистон ҳудуди яйловларида ўсувчи кавракнинг ўсиш давридаги сервитаминлигини текширишиб қуйидагиларни аниқладилар: А витаминининг манбаи ҳисобланган каротин ўсимликнинг яшил органларида йиғилади. Улардан энг биологик фаоли бета-каротиндир. Бир молекула бета каротиндан қўйлар ичаги деворларида икки молекула А витамини (ретинол) ҳосил бўлиб, улар ҳайвоннинг жигарида йиғилади. А витамини водород ташувчиси бўлиб, организмдаги оксидланиш-тикланиш ва модда алмашинув жараёнларида иштирок этади. Бир сўз билан айтганда, организм ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этади. Ҳайвонлар рационда А витаминининг йўқлиги ёки каротиннинг ўта камлиги периферик асаб тизими, орқа мия фаолиятини нимжон қилади, нафас олиш йўлларидаги шилимшиқ пардаларнинг овқат ҳазм қилиш, сийдик ажратиш тизими ва кўз қорачиғи деворлари эпителиал қатламининг лоқайд бўлишини таъминлайди. Баҳорги

яйлов ўсимликлари орасида каврак энг каротинга бойи ҳисобланади. Барглари пайдо бўлганидан 10 кун ўтгач уларнинг 1 кг куруқ вазнида 350 мг каротин бўлиб, ундан кейинги даврда каротин миқдори камайиб бораверади. 1 кг яшил ҳолдаги янги ўриб олинган каврак (79,5 % намликда) таркибида 25,2 мг гача каротин бўлади. Очiq ҳавода қуритилган каврак таркибидаги каротин миқдори ундан 93,3 мг/кг га, мутлоқ куруқ ҳолида эса 130 мг/кг кўпдир.

Ўсишини тугатиб қуриган каврак таркибидаги каротин миқдорини аниқлаган. Олиманинг маълумотларига кўра 72,2 % намлиги бўлган кавракда 18,9 мг/кг каротин бўлган. Аммо бу маълумот ҳам кавракнинг каротинга анча бойлигини кўрсатди.

Улар баҳорги яйловлар ўсимлик қатламининг энг кўп қисмини ташкил этувчи ялтирбош ўсимлигининг (мякик) бошоқлаш олдидан ўз таркибида каротинни 352,5 мг/кг кавракда 350 мг/кг сақлашини, бошоқлари пишиб, уруғлаш даврида эса 120 мг/кг (кавракда 130 мг/кг) каротин сақлашини аниқладилар, яъни бу маълумотлар кавракнинг каротин миқдори бўйича бошқа яйлов ўтларидан ҳеч ҳам қолишмаслигини кўрсатади.

Витамин В₁ (тиамин), В₂ (рибофлавин) ҳайвонлар организмига киргач дарҳол ферментлар билан бирикиб, организмда карбон сувлар алмашилишида муҳим рол ўйнайди, чунки улар карбонсувларни ёғ кислотаси ва ёғга айлантиради. Тиаминнинг, В₂ витаминининг етишмаслиги организмда кечадиган карбон сув, оқсил ва мой алашинувини издан чиқаради.

Витамин В₄ (холин) қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ушбу витаминсиз яшай олишмайди, чунки холин барча тўқималар таркибига киради. Жигардаги фосфолипидлар синтези ва алмашинуви холинсиз амалга ошмайди. В₄ витаминининг етишмаслиги жигар ва буйракни ёғ босишига олиб келади, карбонсув ва оқсил алмашинувининг бузилишини таъминлайди.

Витамин В₆ (пиридоксин) оқсил алмашинувида фаол иштирок этади. Энди барг чиқараётган яшил каврак таркибидаги В гуруҳи витаминлари миқдори қуйидагича бўлган, мг/кг да янги ўриб олинган ҳолида:

B_1 витамини – 0,68

B_2 витамини - 0,15

B_4 витамини - 164

B_6 витамини – 1,3

Очиқ ҳавода қурилган ҳолида B_1 витамини – 0,74, B_2 витамини – 0,17, B_4 витамини – 180 ва B_6 витамини – 14,2.

Мутлоқ қурилган ҳолида B_1 витамини – 3,50, B_2 витамини – 0,80, B_4 витамини – 845 ва B_6 витамини – 6,70.

Микроэлементлар ҳайвонлар организмида кечадиган ҳаётий жараёнлардаги иштироки билан муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам, рационига микроэлементларни қўшиш қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг баланслаштирилган озиқланишининг асосий шартларидан биридир.

Олимларнинг кўрсатишларича, кавракнинг яшил барглари нафақат озуқа сифатида, балки микроэлементларга бой манба сифатида муҳим рол ўйнайди.

Микроэлементлар ҳаётий жараёнларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

Мис – катта биологик аҳамиятга эга, чунки у гемоглобин ҳосил бўлишида катализатор ролини ўйнайди. А, С ва В гуруҳи витаминлари алмашинувига таъсир қилувчи ферментлар таркибига киради. У қалқонсимон без гормонлари – тироксин ва бўёқ моддаси – меланин ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Мис микроэлементи етишмаганида ҳайвонларда энзоотик атаксия (“буранг”) касаллиги келиб чиқади.

Кобальт микроэлементи етишмаганида ҳайвонлар маҳсулдорлиги кескин пасаяди, соғлиги ёмонлашади. У оксил синтезида иштирок этувчи микроорганизмларнинг ҳаводаги боғланмаган азотнинг ана шу жараёнида қатнашишини таъминлайди. Кобальт биологик фаол витамин B_{12} таркибида кириб қон ишлаб чиқаришга катта таъсир ўтказади.

Марганец микроэлементи қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Унинг миқдори жигарда, буйракда, лимфа, ошқозон ости безларида энг кўп бўлади. У карбон сув ва оксил алмашинувини жонлантиради.

Йод – қалқонсимон беи гормонлари – тироксин, дийодтирамин, трийодтираминлар таркибига киради. Йод марказий асаб тизимининг кўзғалишини тезлаштиради, жун қопламининг ривожига, ялтироқлигига ижобий таъсир қилади.

Каврак баргларининг микроэлементларга бойлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказиб қуйидаги натижаларни олдилар (мг/кг ларда):

Мис микроэлементи яшил баргларда 1,7, мутлоқ қурилган ҳолида 8,25 га тенг бўлди.

Апрел ойида ялтирбош таркибида 4,8 мг/кг мис бўлган ва бу кўрсаткич каврак баргларианикидан қарийб 2 бараварга камдир.

Кобальт микроэлементининг яшил каврак баргларидаги миқдори 0,04 га, мутлоқ қуруқ вазнида 0,20 га тенг бўлди. Агар кобальтга бўлган қўйларнинг суткалик эҳтиёжи 0,3 мг га тенглиги инобатга олинадиган бўлса, у ҳолда қоракўл қўйлари каврак барглариани истеъмол қилиш эвазига ўз эҳтиёжини 10 фоизга қониқтиради холос. Кобальт микроэлементининг каврак баргларидаги миқдори ялтирбош ўсимлигиникидан 2 баравардан ошиқроқ даражада камлигини тасаввур қилиш мумкин.

Марганец микроэлементининг миқдори яшил каврак баргларида 8,7 га, мутлоқ қуруқ вазнида 42,4 га тенглиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар қоракўл қўйларининг марганец микроэлементига бўлган эҳтиёжи яйлов ўтлари, хусусан каврак ўти ҳисобига ҳам тўлиғича қондирилишини кўрсатмоқда.

Йод микроэлементи миқдори яшил каврак баргларида 0,06 га тенгдир ва бу миқдор қўйлар эҳтиёжини тўла қондириш учун етарлидир.

Темир микроэлементи миқдори яшил каврак баргларида 63,21 ни, мутлоқ қуруқ ҳолатда 308,4 ни ташкил этди. Қўйларнинг темир микроэлементига нисбатан эҳтиёжи 1 кг хашақда 10-30 мг миқдорида бўлиб,

бу хайвонларнинг темирга бўлган талаби каврак барглари ҳисобига ҳам тўлиғича қондирилишини кўрсатмоқда.

Қўйларнинг эҳтиёжи каврак барглари эвазига сал қондирилишини таъкидлаш соғим яшил кавракдаги рух микроэлементи миқдори ялтирбошга нисбатан 5 мг га қўплигини кўрсатиш керак.

Қўйларнинг рух микроэлементига бўлган талаби суткасига 1 кг қуруқ озуқага 30 мг тўғри келиши лозим. Шунга биноан қўйлар ўз эҳтиёжини фақат каврак ўсимлиги эвазига ҳам қондириши мумкин экан.

Олимлар ва мутахассисларнинг тинмай изланиши ва тадқиқотлари Ўрта Осиё ҳудуди яйловларида ўсувчи ўт-ўланлар таркибида терпеноид таркибли бирикмалар мавжудлигини кўрсатди.

А.И. Саидхўжаев (1979), У. Раҳмонқулов (1995), Мелибоев (1980), М.Г. Пименов (1983) лар ўт-ўланларнинг кимёвий таркибидаги терпеноид келиб чиқишли бирикмалар таркибидан кумаринларга сесквитерпен лактонлари, сесквитерпен спиртлари ажратиб олишди.

А.И. Саидхўжаевнинг (1979) таъкидлашича, юқорида кўрсатилган учала гуруҳнинг ҳам таркибига сесквитерпенли қолдиқ $C_{15}H_{19-27}O_{1-4}$ киради.

Терпеноид кумаринлари сесквитерпенли қосмининг тузилишига қараб уч гуруҳга ажратилади:

- алифатик сесквитерпен қўшимчали кумаринлар
- моноциклик сесквитерпен қўшимчали кумарин
- биоциклик сесквитерпен қўшимчали кумарин

Мураккаб эфирлар таркибига кирувчи терпеноид спиртлар углерод скелети тузилишига қараб кумаринлар каби моноциклик ва биоциклик таркибли сесквитерпенларга бўлинади.

Кавракларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ўсимликларнинг хайвонлар ейдиган органларида, илдизларида анча миқдорда смола йиғилиб қолишини кўрсатди. Уларнинг барча турларидан хушбўй ҳид таралади . Эфир мойларининг миқдори 0.6-1.0% дан то 2-5% гача боради. Эфир мойлари кавракнинг поясида, уруғлари ва гулларида, илдизларида йиғилади.

С.Ю. Юнусов (1974) нинг тадқиқотлари қатор ўсимликлардаги алколоидларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари уларда вегетатив даврлари бўйича ўзгариб туришини кўрсатди, шунингдек унга ўсимлик ўсаётган минтақа ва муҳит ҳам анча таъсир қилар экан.

Ўсимликлар таркибидаги кимёвий бирикмалар, хусусан мураккаб эфирлар миқдори ўсимлик ёши ва йил мавсумлари бўйича анча чегараларда ўзгаради. Шу сабабли хом ашёни йиғиштириш улар таркибида ана шу моддалар миқдорининг энг кўп сассиқ коврак таркибидан биологик актив моддалардан терпеноидларни ажратиб олишда ишқорий хусусиятга эга бўлган моддалар билан ишлов берилади .

A.G.Gonzales ва бошқалар, 1988) майдаланган ўсимлик қисми сокслетага солинади ва бензол билан экстракция қилинади ва ажратиб олинган фракциялар алоҳида текширилади.

Терпеноидли мураккаб эфирларда асосан уларни ИК-спектраларда мураккаб эфир гуруҳи, ароматик ва гидрооксил гуруҳини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга .

Кўплаб тадқиқотчиларни сассиқ коврак таркибидаги терпеноидларга бўлган қизиқиши улар ҳам бошқа табиий бирикмалар каби одам, ҳайвон ва микроорганизмларга ўзига хос таъсир этиш хусусиятига эга. Бундан ташқари у кўпчилик хусусияти билан бирга эстролген таъсир этиш хусусиятига ҳам эга бўлиб, ундан паноферол ва тефэстрол эстроген воситалари ажратиб олинган .

Сассиқ коврак илдизини яхшилаб майдалаб ундан сесвитерпенли спирт $C_{15}H_{26}O_2$ гидролизлаб олинади ва ундан ферутинол ҳосил қилинади. Сувда эримайдиган моддалардан эса фецерол ва унинг гидролизидан фeroцин ва фeroцинин олинади. (Х.М. Комилов ва бошқалар, 2004; М.А. Омирали, 2007; M.Miski et al., 1983).

Ҳозирги кунгача *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликлардан 100 га яқин табиий каротан ажратиб олинган. Ўсимликларда каротан эркин спирт ҳолида кам учраб, кўп ҳолларда улар мураккаб эфир алифатик ва ароматик

кислоталар шаклида учрайди (А.У. Бабеков ва бошқалар, 2000; А.У. Бабеков ва бошқ., 2001; А.У. Бабеков ва бошқ., 2001).

2.3. Сассик коврак усимлигининг фармоко-токсикологияси.

Энциклопедик лугатда бу усимлик хакида шундай маълумотлар келтирилади: Ферула, соябонгулдошларга мансуб куп йиллик ут усимликлар туркими булиб 130 дан зиёд тури маълум. У Евроосиё ва Шимолий Африкада усади. МДХ худудида 100 га якин тури учраб, асосан Урта осиеда тогшаир, коврак, окшаир, сумбул, шаир ва бошка турлар усади. Асафетида таркибида смола, эфир мойи, доривор моддалар куп булиб, шаир каби турлари чорво учун яхши озука хисобланади. Ундан олинган моддалар ветеринарияда ичак ва тери паразитларига қарши ва F.Varia (шоир) ўсимлигидан олинган цинарозид дориси буйрак касалликларини даволашда фойдаланилади. Асафетида сутсимон ширасидан бод хайдашда ва балгам пишириш воситасида фойдаланилади. Огрик колдириш, тинчлантириш ва сурги дори сифатида ҳам кулланилади. (У. Рахмонкулов 1999; М.А. Маматханова ва бошқ., 2008; М.А. Маматханова ва бошқ., 2009; Р.М. Халилов ва бошқ., 2009; М.А. Маматханова ва бошқ., 2010; М.А. Маматханова, 2011).

Унинг илдизи доривор хисобланиб, (Н.Н.Нажмитдинова, 2007) ундан тефестрол, «Зофарол» припаратлари олинади ва дорилардан гинекологияда тухумдонлар иш фаолияти бузилганда алинареяда, пуштсизликда, климакс ва бошкаларда фойдаланилади. Шунингдек, тиббиётда камедемой-елими-ассафетида («бадбуй елим», «куланса калида»)дан фойдаланилади.(У. Рахмонкулов, 1999). Бу мой елим усимлик илдизини тилиб куйиш йули билан олинади ва кадимги дунёда ёк машхур ҳамда юкори бахоланган «лазер» моддасининг замонавий урнини босувчи восита хисобланади. Европа тиббиётига араб хакимлари томонидан киритилган. Дастлаб хом ашё («катрон» асафетида) ераниб тури F. assa-foetidasдан тайёрланган. (У.Рахмонкулов 1995). Шундай булсада, МДХ давлатлари худудида усувчи турлар F narthex Boiss ҳам уша катрон манбалари еканлиги ехтимолдан холи

эмас. Ҳозирги кунда елим-мой Эрон, Покистон, Афғонистонда тайёрланади. (У. Раҳмонкулов, 1999).

Елим-мойни туплаш баҳорда усимликнинг ер усти кисмини олиб ташлаб, кейин вертикал илдизларининг бир неча катламини кесиш билан амалга оширилади. Илдиздан оқиб чиқиб қотиб қолган моддалар йигиб олинади. Махсулот ок кулранг, вақт ўтиши билан эса сариқ ёки қизғиш рангга кировчи думалок ёки диаметри 5-7 мм япалок бўлакчалар шаклида булиб, ўткир саримсоқ ҳиди ва аччиқ таъмига эга бўлади. (У. Раҳмонкулов, 1999).

У. Раҳмонкуловнинг (1999) курсатишига коврак усимлигини коракул куйлари ва яйловда озикланувчи бошка тур хайвонларнинг озука балансини 8-10% ни ташкил килади. Баҳор фаслида коракул куйлари ҳар куни 850-1000г гача ковракнинг яшил баргларини истеъмол килади.

Тиббиётда ковракнинг илдизидан елим-смоласи ишлатилади. Елим смоласи олиш учун поя чиқармаган усимликнинг илдизи атрофии чуқур ковланади ва илдизнинг юқори томонидан озгина жойи кесиб ташланади. Шу кесилган жойдан елим-смола оқиб чиқади ва қотиб қолган смола йигиб олинади. Илдизда елим-смола томон булгунга кадар у кесилади ва елим-смола йиғилади.

Асафетида парашок, эмулсия ёки настойка ҳолида мушакларни бушаштирувчи, газларни хайдовчи, коринни дам булишини олдини олувчи ва йуталга қарши хусусиятга ега бўлган модда сифатида Россия фармокопоеясига I-XII нашрига ва Британия фармокопиясига киритилган. Ферулани уруги баъзи гарб Европа давлатларининг табобатига коринни дам булишини олдини олиш, ошқозон фаолиятини яхшилаш, ўпка инфекцияси касалликларида ишдатилган. Кадим замондан уни истерия (нерв каасаллиги), тутканок, панартрит, радикулит, остеохондроз, буйрак усти беzi гармонал фаолияти бузилганда, кулок огришларда, тинчлантирувчи, мушакларни бушаштирувчи ва ични сурадиган восита сифатида, ветеринарияда тери ва ичак паразитларига қарши ишлатилган.

Абу Али Ибн Сино (1956) ассафетида елим-смоласини меъда, буйрак, талок, жигар касалликларини даволашда ҳамда бачадондан қон окишини тухтатувчи, иштаха очувчи, сийдик ҳайдовчи, бўғинлар оғриганда огрик колдирувчи дори сифатида ишлатган.

Сассик коврак елим-смоласи халк табобатида томир тортишиш, упка сили, улат, захм, кук йутал, тиш огриги, асаб касаллишкларини даволаш учун ҳамда кувват берувчи, балгам кучирувчи ва гижжа хайдовчи дори сифатида кулланилади.

Смолани даволовчи хусусиятларидан энг муҳими ошкозон фаолиятининг овқат ҳазм бўлишини даволовчи, ҳаттоки хайвонларда, яъни қорамол, от, қўйларнинг бўкиб қолишини олдини олади.

Шу билан бирга *Ferula L* туркумига кирувчи биологик актив моддалар кенг миқёсида фармакологик, токсикологик ва химиотерапевтик аҳамиятга эга. Шутуфайли улардан чорвачиликда озуқа сифатида қўлланиши билан биргаликда, фармасептикада ҳам қўлланиш эҳтиёжи кенг. Бу ўсимлик эфир мойли озиқабоб, асал олинадиган, дори олинадиган, крахмал ва қанд сақловчи ароматик техник ўсимлик ҳисобланади. Сассик каврак таркибидаги дорибоб смола “Аммониякум, кинна, сапаген, галбана, сумбул” сақлаши туфайли кўпгина олимларни эътиборини ўзига қаратган бўлиб, шарқ табобатида 1000 йиллардан бери ишлатилиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликларни доривор хусусиятлари билан бир қаторда уларни асосан баҳор ойларида ерни юқори қисмидаги қисми қўйлар, отлар, чўчқа ва оз миқдорда эчкилар учун захарли ҳисобланади.

Худди шундай маълумотлар баъзи бир Ўрта Осиё минтақасида ўсувчи *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликлар захарлилиги тўғрисида айтиб ўтилган.

Кўпгина қўйчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг мутахассислари *F.nasrika* ўсадиган жойларда қўйларни боқиш уларни зарарли ичак гелментларидан тозалашини таъкидлайдилар.

Юқорида олинган адабиёт маълумотларини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, минтақамизда кенг тарқалган *Ferula L* туркумига кирувчи сассиқ каврак ўсимлигини кенг фармокологик хусусиятга эга бўлиш билан бир каторда унинг заҳарлилик хусусиятлари ҳам бор эканлиги аниқланади.

Шу туфайли сассиқ каврак ўсимлигининг заҳарли хусусиятларини ўрганиш ва уни зарарсизлантириш усулларини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Табиатда ўсадиган ўсимликларнинг кўпчилиги дори-дармонлар олиш учун ўзгармас манбадир ва муҳими бу ўсимликлар ўзгармасдан медицина ва ветеринарияда янги кўриниш билан қўлланилади. Бу ўсимликлардан инсонлар дори моддаларини олиш учун фойдаланадилар. Шундай ўсимликлардан бири *Ferula assafoetida* энг катта *Umbellifera* оиласига мансуб бўлиб, уларнинг Ўрта Осиёда 130 хил тури ўсади ва уни медицина соҳасида анча чуқур ўрганилган (Valencia E et, al., 1994).

Бу ўсимликларнинг бир қанча турларидан дори тайёрланиб, медицинада яраларни, мускул, асаб, оёқ касалликларини даволашда ва ҳомилани сақлашда қўлланилган

Ўсимликдан оқиб чиқадиган суюқликдан олинган елим тиббиётдаги стоматология учун тиш, милк касалликларини, ичаклардаги гижжани тушириш, газ ҳайдаш учун фойдаланилган (Abd El-Razek M.N., et, al., 2003;)

Бу ўсимликдан олинган моддалар *Staphylococcus aureus* ва *Shigella sonnei*га яхши таъсир этганлиги учун уни қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши пестицид сифатида ҳам қўллаш тавсия этилади (Hofer O. Et, al., 1994).

Abd El-Razek M.N. et,al., (2001), Ahmed A.A. et,al., (2001) ларнинг таъкидлашича сассиқ каврак ўсимлигидан олинган биологик актив моддалар юрак уришини тезлаштириши, бош оғриғи, бош айланиши, ич кетиши,

кўнгил кўтарилиши, тиш ва милк касалликларини даволаш билан биргаликда хид ва таъм билишни ҳам тетиклаштирар экан.

Кейинги йилларда грипп касаллиги нафақат ҳайвонот олами, балки одамлар ўртасида ҳам кенг тарқалиб, одамлар ва ҳайвонлар ўртасида ўлим содир бўлмоқда. Кейинги йилларда грипп касаллигини даволашда қўлланиладиган амантадин, римантадин ва рибавирин дорилари грипп касаллигига қарши даволашда яхши самара бермаяпти. Шунинг учун Н.Н. грипп вирусига қарши табиий биологик актив моддалар, яъни *Ferula assafoetida* ўсимлигидан CHCH_3 экстракти тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. (Lee L.L., et.al., 2009).

Abd El-Razek M.H. et.al., (2007), таъкидлашича *assafoetida* ўсимлиги таркибидаги биологик актив моддалар тиббиётда гижжаларга, микробларга, вирусларга қарши ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари бу ўсимликлардан грипп вирусига қарши 30 турга яқин дори воситалари ажратиб олинган ва бу дориларнинг барчаси ҳар хил кимёвий моддаларни ўз ичига олади. Ҳатто бу дори моддаларнинг айримларида суякларни мустаҳкамловчи модда борлиги тажрибада исботланган .

Сассиқ коврак ўсимлигидан олинган дори воситалари нафақат грипп вирусларини даволаш ва олдини олишда, балки айрим муаллифлар томонидан Саратон касаллиги ҳужайрасини даволаш ва олдини олишда қўлланилган ва улар анча ижобий натижалар олинганлигини таъкидлайдилар.

Кейинги йилларда *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликлардан тайёрланган дори моддалари бачадонда ҳомиладорликни олдини олиш бўйича каламуш, денгиз чўчқасида синаб кўрилди, аммо бунинг фойдаси бўлмади. *Ferula assafoetida* ва *Melia azedarach* ўсимликларидан тайёрланган дори моддаси каламуш, денгиз чўчқаси ва фоҳиша аёлларга қўлланилганда жуда яхши самара берди, бу усулдан 1-7 кун фойдаланилди, ҳомила умуман бўлмади. Ҳайвонларда 1, 5, 6 кунлаб бу усуллар қўлланилди, самараси ижобий эканлиги тасдиқланди.

Ferula L туркумига кирувчи ўсимликларда дори-дармонлар миқдори бўлиб, яқинда уларнинг янги замонавий кўринишлари ишлаб чиқарилиб, тиббиётда турли хилдаги касалликларни даволашда кенг фойдаланилмоқда

Ferula assafoetida Umbelliferae оиласига кириб, ундан олинган елимдан кўпроқ тишни қотирадиган дорилар олинади. Бу ўсимлик тури эронда кўп етиштирилиб, ундан олинган елимдан гижжаларга қарши ва тиш қотирадиган дорилар, глюкоза, галактоза олинади. Ушбу ўсимлик гулидан олинadиган яна бир дорининг хиди худди чеснок хидидек ўқимсиздир. Канадада *Ferula assafoetida* ўсимлигидан елим олиш бўйича Канада ва Эрон Машҳад университети олимлари билан биргаликда йиғилиш бўлиб ўтган, бунда йиғилган елимнинг сифат жиҳатлари ва улардан олинadиган дориларнинг хусусиятлари тўғрисида мунозаралар бўлди .

Кейинги йилларда Республикамиздаги олимлар (М.А. Маматханова, 2011) ҳам *Ferula L* туркумига кирувчи бир қанча ўсимликлардан жигар фаолиятини ҳимоя қилувчи фланорин, буйрак касалликларини даволашда кенг қўлланиладиган цинарозид дориларини ва эстроген таъсирига эга бўлган куфэстро́л воситаларини яратдилар.

Шаир ўсимлигининг ер устки қисмидан цинарозид ва кухистон ковраги ер устки қисмидан куфэстро́л олиш ўрганилиб, флавоноидлар ва мураккаб эфирларни хом ашёдан экстракциясига таъсир қилувчи омиллар Бокс-Уилсон усулида математик режалаштириш орқали таҳлил қилинган ва цинарозид ва куфэстро́лни тозалаш жараёнининг асосий омиллари аниқланган. Олиб борилган тажрибаларнинг натижалари асосида гипоазотемик фаоллигига эга цинарозид ва эстроген таъсирига эга куфэстро́л воситаларини олиш технологиялари ишлаб чиқилди (М.А. Маматханова, 2011; ва бошқалар).

2.4. Асафетида ўсимлигининг халқ хужалигидаги аҳамияти.

Амалииётда асафетида илдизидан олинadиган куритилган сутсимон ширадан кўпроқ фойдаланилади. Асафетида илдизидан олинган шира аччик, хиди пиёз ва саримсок аралашмаси каби, аммо бадбўйлиги саримсокка яқин туради . Асафетида шираси таъми огизда бир неча соат сезилиб туради ва

сув, арок ёки сирка аралашмаси билан чайганда кетмайди. Иссиклик 22-даражадан юкори бўлган хонага асафетида олиб кирилса, хона хавосига бир неча дақиқада унинг бадбуйлиги шунчалик сингиб кетадики, бир неча кундуз Шамоллатиб ҳам ундан тозалашнинг иложи йук.

Ривоят килишларича асофетидани Европага Искандар Зулкайнар (македонский)нинг аскарлари олиб келишган экан. Уни истимол килишган килиниши туфайли Шарку-Гарб савдо йуллари урнатилди ва Шаркнинг кора калампир (мурч), асофетида каби бошка зираворлар Урта Ер денгизи бўйларида пайдо бўлиб, киска фурсатда оммалашиб кетди. Асафетида Юнон ва Рим таомларини тайерлашда Шимолий Африкадан келтириладиган бошка киммат зиравор Sibptiion урнига ишлатилар еди. Илк Урта асрларда асафетида янада оммавийлашиб борди. Аммо кейинчалик унинг оммавийлиги пасайиб, XVI асрлардан кейин европа ошхоналарида деярли ишлатилмади ва у ҳақда ҳеч канаканги маълумот йук (У.Рахмонкулов, 1999).

Аммо В.В.Похлёбкин(1975) ёзганидек XIX аср урталарида ҳам Германия (Гессам, Швабия, Вюртенберг) да Миллий таомлар конда упка ва жигардан хасп ҳамда гессенгасига куй гуштига кабоб пиширишда асафетадан фойдаланишган экан.

Эрон ва айникса Хиндистонда асафетадан ҳозиргача ҳам кенг кулланилади. Айтишларича брахмонларга пиёз ва саримсок ейиш тақиқланган, шу боис улар асафетида истеъмол килишади. Умуман олганда, Хиндистонда нафакат брахмонлар, балки эт емас вегетарианлар асафетидадан оқсил манбаи бўлган кам сонли таомлардан бири дуккакдилардан овкат тайёрлашда купрок фойдаланилади. Бундан ташқари асафетида летеоризм (корин дам бўлиши)га қарши яхши восита ҳисобланади ва дуккакдилар билан истеъмол килданда унинг аҳамияти катта. Шунингдек асафетида димланган ва ковурилган гуштли, гурунчли ҳамда сабзавотли таомлар тайёрлашда ҳам ишлатилади. (У.Рахмонкулов. 1999).

Зиравор сифатида асафетида куритилган, сутсимон шира ёки кукун куринишида сотилади. Асафетиданинг куритилган сутсимон ширасин тезда

иссик ёгда еритиш лозим. Юкори даражада иссиклик унинг хидини ёкимлирок килади, шунинг учун ҳам у хинд зиравори аралашмари таркибидан ҳам жой олган. Овкатга асафетидани ехтиёт бўлган холда, томчилаб кушиш зарур. Гугурт бошчасидек келадиган асафетида парчаси купчилик учун таом тайёрлашга етади. Асафетиданинг кукунини ишлатиш хавфсизрок, чунки уни ёгд еритмасдан овкатга кушиш мумкин. (У. Рахмонкулов. 1999).

Амалиётда асафетида илдизидан олинадиган куритилган сутсимон ширадан кўпроқ фойдаланилади. Асафетида илдизидан олинган шира аччиқ, хиди пиёз ва саримсоқ аралашмаси каби, аммо бадбўйлиги саримсоққа яқин туради. Асафетида шираси таъми оғизда бир неча соат сезилиб туради ва сув, ароқ ёки сирка аралашмаси билан чайганда кетмайди. Иссиклик 22-даражадан юкори бўлган хонага асафетида олиб кирилса, хона хавосига бир неча дақиқада унинг бадбўйлиги шунчалик сингиб кетадики, бир неча кундуз шамоллатиб ҳам ундан тозалашнинг иложи йўқ (В.В. Похлебкин, 1975).

Ривоят қилишларича асафетидани Европага Искандар Зулқайнарни (Македонский)нинг аскарлари олиб келишган экан. Уни истеъмол қилиниши туфайли Шарқу-Ғарб савдо йўллари ўрнатилди ва Шарқнинг қора қалампир (мурч), асафетида каби бошқа зираворлар Ўрта Ер денгизи бўйларида пайдо бўлиб, қисқа фкрсатда оммалашиб кетди. Асафетида қадимги Юнон ва Рим таомларини тайёрлашда Шимолий Африкадан келтириладиган бошқа қиммат зиравор *Sibphion* ўрнига ишлатилар эди. Илк ўрта асрларда асафетида янада оммавийлашиб борди, аммо кейинчалик унинг оммавийлиги пасайиб, XVI асрлардан кейин Европа ошхоналарида деярли ишлатилмади ва у ҳақда ҳеч қанақанги маълумот йўқ (У. Рахмонов, 1999).

Аммо В.В. Похлёбкин (1975) ёзганидек «XIX аср ўрталарида ҳам Германия (Гессен, Швабия, Вюртенберг)да Миллий тамолар қонда, ўпка ва жигардан хасп ҳамда гессенчасига қўй гўштидан кабоб пиширишда асафетидадан фойдаланишган экан».

Эрон ва айниқса Ҳиндистонда асафетида ҳозиргача ҳам кенг қўлланилади. Айтишларича брахманларга пиёз ва саримсоқ еёиш тақиқланган, шу боис улар асафетида истеъмол қилишади. Умуман олганда, Ҳиндистонда нафақат брахманлар, балки эт емас вегетарианлар асафетидадан оксил манбаи бўлган кам сонли таомлардан бири дукаклилардан овқат тайёрлашда кўпроқ фойдаланилади. Бундан ташқари асафетида метеоризм)корин дам бўлиши)га қарши яхши восита ҳисобланади ва дуккаклилар билан истеъмол қилганда унинг аҳамияти ката. Шунингдек асафетида димланган ва ковурилган гўштли, гурунгли ҳамда сабзавотли таомлар тайёрлашда ҳам ишлатилади (У.Рахмонқулов, 1999).

Зиравор сифатида асафетида қуритилган, сутсимон шира ёки кукун кўринишида сотилади. Асафетиданинг қуритилган сутсимон ширасини тезда иссиқ ёғда эритиш лозим. Юқори даражада иссиқлик унинг ҳидини ёқимлироқ қилади, шунинг учун ҳам у ҳинд зиравор аралашмалари таркибидан ҳам жой олган. Овқатга асафетидани эҳтиёт бўлган ҳолда, омчилаб қуйиш зарур. Гугурт бошчасидек келадиған асафетида парчаси кўпчилик учун таом тайёрлашга етади, асафетида кукунини ишлатиш хавфсизроқ, чунки уни ёғда эритмасдан овқатга кўшиш мумкин (У.Рахмонқулов, 1999).

У. Рахмонқуловнинг (1999) кўрсатишича, коврак ўсимлигининг барча турлари ҳам келажаги порлоқ эфир майли, доривор моддаларга бой, озуқабоп ва сернектар ўсимликлар сирасига киради.

Тадқиқотлар халқ хўжалиги учун қимматли белгиларига қараб 83 хилдаги ковракларни қуйидаги тоифаларга бўлиш имконини берди.

Доривор ўсимликлар – 48 хил

Мой берувчи ўсимликлар – 6 хил

Озиқабоп ўсимликлар – 40 хил

Сернектар ўсимликлар – 47 хил

Серкрахмал ўсимликлар – 9 хил

Эфирмойли ўсимликлар – 64 хил

Серсмола ўсимликлар – 56 хил

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари айниқса яйлов ҳайвонлари бўлган қўй, эчки, туя ва бошқа шу кабилар ўз организмнинг озуқа моддаларига бўлган талабини яйлов ўсимликларини истеъмол қилиш эвазига қондиради. Баҳор ойларида барча яйлов ўтлари каби ўсиш даврини бошлайдиган коврак яйлов ҳосилдорлигининг ошишига ўз ҳиссасини қўшади (У. Раҳмонқулов, 1999).

Сассиқ коврак таркибида биологик актив мода сақловчи ва юқори фармакологик ва химиотерапевтик активликга эга. Шунинг учун ҳам бу ўсимликнинг фойдаланиш қирралари кенг ва истиқболлидир (У. Раҳмонқулов, 1999).

Кўпчилик муаллифларнинг таъкидлашича сассиқ коврак ўсимлиги ажойиб эфир мойли ўсимлик бўлиб, биринчи навбатда доривор ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун озуқа захираси ҳисобланади. Бундан ташқари таркибида крахмал ва қанд моддаларини сақловчи ароматик озиқ-овқат аҳамиятига эга бўлган саноат ўсимлигидир.

Сассиқ коврак ўсимлиги таркибида мавжуд биологик актив моддалар асосида охириги йилларда Ўзбекистон фанлар академияси кимё институти ва Тошкент фармацевтик заводида 4 та тиббиёт чорвачилик ва паррандачилиқ кенг қўлланиладиган тефэстрол, панаферол, куфэстрол ва зофарол препаратлари ишлаб чиқарилди, улардан тефэстрол медицинада гинекологик касалликларни даволашда, панаферол, куфэстрол ва зафарол эса ветеринария амалиётида товукчилик хўжаликларида репродуктив фаолиятини кучайтириш, қўй ва сигирларда бепуштликни олдини олишда кенг қўлланилиб келинмоқда (А.И. Саидхўжаев ва бошқ., 1997; Н.Н. Нажмитдинова, 2007; М.А. Маматханова, 2011).

Шундай қилиб *Ferulla L* туркумига кирувчи ўсимликлари таркибида юқорида кўрсатилган табиий биологик актив моддалар сақлаш билан бир қаторда, таркибида терпеноид ва унинг аналогларини сақловчи захира ва доривор ўсимлик сифатида ҳам соҳа олимларига катта қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳам ушбу туркумга кирувчи таркибида биологик актив

моддаларни сақловчи терпеноид ўсимликларнинг тарқалиши, онтогенези ва биоморфологик хусусиятларини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ferulla L туркумига кирувчи ўсимликларни ҳар томонлама ботаник, комплекс, морфологик ва унинг табиий ресурсларини кардиограммасини тузиш, фармацевтика саноатида (дорилар олиш ва тайёрлашни) назарий ва амалий муаммоларини ечади ва бу ўсимликларни табиий ресурсларини аниқлаб беради, шу билан бирга халқ хўдалигида кенг қўллашга имкон яратади (Рахмонқулов У., 1990).

Сассиқ коврак ўсимлигини халқ хўжалигидаги кўп қиррали ишлатилишини инобатга олиб, мамлакатимизда улардан рационал фойдаланишнинг илмий асосланган мезони ишлаб чиқилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, минтақамизда ўсадиган флора таркибида *Ferulla* L туркумига мансуб бўлган 96 тури (Рахмонқулов У., 1999) аниқланган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда ўсадиган *Ferulla* L туркумига мансуб бўлган флорани 28 таси эндемик ҳисобланади, айниқса сассиқ коврак ва қизил китобга киритилган ва йўқолиб бораётган Бухоро сунбулини табиий ресурсларини аниқлаш ва кўпайтириш халқ хўжалигида катта амалий аҳамиятга эга.

III. ШАХСИЙ ТЕКШИРИШЛАР

3.1. Текшириш материаллари ва услубиёти

Маълумки мустақил Республикамизнинг асосий майдонларини чўл, адир, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ташкил этади, шунинг учун ҳам қоракўлчиликни ривожлантириш муҳим амалий аҳамиятга эга. Бу соҳани ривожлантириш эса, яйлов, адир ва чўллардан унумли фойдаланиш, уларни милеоратив ҳолатини яхшилашни ва чўл иқлимига мослашган озуқабоб экинларни экишни ва кўпайтиришни тақазо қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўсимлик қорақўл қўйларига салбий таъсири туфайли қўйларни серпуштлигига таъсир қилиб, уларни қиср қолишига сабаб бўлади. Бу эса минтақада ноёб ҳисобланган қорақўл қўйларини бош сонини кўпайтиришга асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Бироқ чўл озиқабоб ўсимликлари: изен, шувок, каврак, янтоқ, ёввойи майса, илоҳ, арпавон, қўнғирбош, ялтирбош, читир ва бошқалар билан бир қаторда, таркиби кимёвий, токсикологик ва фойдали томонлари ўрганилмаган ўсимликлар ҳам мавжуд. Бундай ўсимликлар қорақўл қўйлари организмига тушиб турли салбий ҳолатларга олиб келиши адабиёт манбаларидан маълум. Шундай, аниқланмаган ўсимликлар таркибига сассик каврак киради ва у кўпгина ҳолларда ҳайвонларни захарланишига ва айрим ҳолларда қўйларни ўлишига ҳам олиб келиб катта иқтисодий зарар етказади.

Бизнинг ўтказадиган тажриба ва тадқиқотларимизнинг асосий мақсади айнан шу ўсимликнинг қорақўл қўйлар серпуштлигига таъсирини ўрганиш ва олдини олишнинг чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, каврак ўсимлиги тоғ ва чўл ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, кизилқум чўлларида эса уларнинг *F. assafoetida* ва *F. foetida* турлари тарқалиш чегараси 2 млн. гектарни ташкил этади.

Ишнинг амалий ва экспериментал тадқиқотлари 2011 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология кафедрасида, “ветеринария, зоотехния ва қорақўлчилик” факультети вивариясида, Бухоро вилояти Жондор тумани А.Темур қорақўлчилик хўжалигида, ҳайвонлардан электроэякулятор ёрдамида сперма олиниб унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Қўчқорларда тажрибалар хўжалик шароитида ўхшаш гуруҳлар тамойили асосида 3 бошдан 3 та гуруҳ ажратилади, бунда 1-тажриба гуруҳи қўйларининг озиқасига сассик каврак ўсимлиги донидан ҳар кун ҳар бир ҳайвонга 50 гр, иккинчи гуруҳдаги ҳар бир ҳайвонга 150 гр ва 3-гуруҳ эса назорат гуруҳи сифатида хизмат қилади ва хўжаликда белгиланган рацион асосида озиқлантирилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида тажрибадаги қўчқорларнинг клиник белгилари, овқат қабул қилиши ва ташки муҳит таъсуротларига жавоб реакцияси ўрганилиб борилди.

Бундан ташқари тажрибагача икки марта ва тажриба давомида ҳар 15, 30, 45, 60 кунларда бир марта ҳайвонлардан , электроэякулятор ёрдамида сперма олиниб унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Электроэякулятор ёрдамида олинган сперманинг сифати, эякулят миқдори (сперма қабул қилгичда) сперма муҳити (РН метрда), сперма концентрацияси (Горьев санок тўрида), унинг чидамлилиги (Смернов Пастав усулида), нафас олиши (Шергина усулида), олинган эякулятда қўчқорлар спермасининг тирик ва ўлик сперматозоидлар сони (Морозов усулида), патологик сперматозоидлар фоизи (суртма тайёрлаш усулида), кислотали ва ишқорий фосфотаза активлиги (Баданский усулида) текширилади.

3.2. Сассиқ коврак донининг қўчқорлар организмига таъсири

3.2.1. Клиник кўрсаткичлари

Сассиқ коврак ўсимлиги таркибидаги кумарин, терпенлар ва бошқа биологик актив моддаларни қўй ва бошқа ҳайвонлар истеъмол қилишини инобатга олиб қўчқорлар организмига сассиқ коврак донининг таъсирини ўрганиш мақсадида сурункали тажрибалар Бухоро вилояти Жондор тумани, қорақўлчиликга ихтисослашган Амир Темур ширкат хўжалигида ўтказилди. Тажрибалар учун тирик вазни 45-50 кг бўлган 9 бош қорақўл қўчқорлари ўхшаш жуфтликлар асосида 3 бошдан 3 та гуруҳга ажратилди.

Тажрибадаги назорат гуруҳидаги қорақўл қўйлари 60 кун давомида ҳар бир ҳайвон рацион таркибида 18 кг омихта ем қабул қилди. Бу даврда биринчи гуруҳ ҳайвонлари эса 9 кг омихта ем ва 9кг сассиқ коврак донидан истеъмол қилди, бунда ҳар бир ҳайвон организмига 270 грамм кумарин, терпен ва бошқа биологик актив модда ёки ҳар куни 128.5 мг/кг тирик вазнига тушганлиги қайд этилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари ҳар бири 60 кун давомида 9 кг омихта ем ва 9 кг сассиқ коврак дони ва кушимча 1г/кг тирик вазнига Азкамар бентонити қабул қилди, улар организмига 270 грам ёки ҳар куни 128,5 мг/кг тирик вазнига кумарин, терпен ва бошқа биологик актив моддалар тушганлиги аниқланди.

Тажрибадаги ҳайвонларда тажриба давомида клиник текширишлар олиб борилганда иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари клиник-физиологик кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонларникидан фарқ қилмаганлиги қайд этилди. Юрак уришида, нафас олишида ва тана ҳароратида назорат гуруҳига нисбатан характерли фарқлар кузатилмади (2-3-жадваллар).

Биринчи тажриба гуруҳидаги ҳар бир ҳайвонга 150г сассиқ коврак дони берилганда тажрибанинг 28-кунидан бошлаб улар куз корачигининг катталашishi ич кетиши юрак ва нафас олишининг тезлашганлиги ҳамда ҳароратнинг озрок кутарилганлиги қайд этилди.

Олинган натижалар таҳлили сассиқ коврак донини қўчқорлар маҳсулдорлигига 28 кун давомида ижобий таъсир этишини кўрсатди. Аммо, тажрибадаги ҳайвонлар рационига узоқ вақт аралаштириб бериш заҳарланиш клиник белгиларини намоён қилиб, улар тирик вазнининг ўсишини пасайтиради, бу эса сассиқ коврак дони таркибидаги кумаринлар ва бошқа биологик актив моддаларнинг заҳарлилигидан ва уларнинг орган ва тўқималарда юқори кумулятив хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Гематологик кўрсаткичлар (II-босқич тажриба)

Тажрибадаги ҳайвонларда гематологик текширишлар ўтказилганда, қондаги биокимёвий кўрсаткичлардаги асосий ўзгаришлар, рацион таркибига 150 граммдан сассиқ коврак донидан аралаштириб берилган ёки ҳар куни 128,5 мг/кг тирик вазнига кумарин, терпен ва бошқа биологик актив моддалар тушган қоракўл қўйларида намоён бўлди.

Сассик коврак дони таркибидаги кумарин ва бошқа биологик актив моддаларга нисбатан Азкамар бентонитининг антидотлик хусусияти, айниқса тажрибадаги ҳайвонлар қони ва қон зардобидagi биокимёвий кўрсаткичларни текширганимизда яққол намоён бўлди (4-5-6-жадвал).

Тажрибадаги биринчи гуруҳ ҳайвонлари қон зардобидagi умумий оксил ва оксил фракцияларини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, узок вақт таркибида 3 % кумарин ва бошқа биологик актив моддалар сақлаган сассик коврак дони рацион таркибига қўшилганда, улар жигаридаги сунъий оксил функциясини пасайтириши аниқланди (4-жадвал). Умумий оксил миқдори тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 20 кунida 3,7 % га ошган бўлса, 40 кунida 3,6 % га ва тажриба охирида 13,3 % га камайганлиги қайд этилди (4-жадвал).

Ушбу гуруҳдаги қон зардобидagi оксил фракцияларида характерли ўзгаришлар альбумин ва γ глобулинларда намоён бўлиб, бунда тажриба охирида альбуминлар миқдори тажриба бошига нисбатан 13,3 % га ва γ глобулинлар миқдори эса 14,2 % га камайганлиги аниқланди (5-жадвал).

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қон зардоби тажрибанинг 40 кунida умумий оксил миқдори тажриба бошига нисбатан 3,3 % га ошган бўлса 60-кунга келиб атиги 2 % га камайганлиги қайд этилди. Худди шундай ушбу гуруҳдаги ҳайвонлар қони зардобидagi альбуминлар ва гамма-глобулинлар миқдори тажриба бошига нисбатан шунга мос равишда 1,1 ва 5,3 % га камайганлиги кузатилди.

Бироқ кўриниб турибдики, иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қон зардобидagi умумий оксил ва оксил фракцияларида, биринчи гуруҳ ҳайвонларида қайд этилган характерли ўзгаришлар кузатилмади.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ ҳайвонлар қон зардобидagi ферментларнинг ўзгариши яққол намоён бўлиб, бунда сассик коврак дони таркибида кумаринлар ва бошқа биологик актив моддаларнинг тушишига қараб аланин-аминотрансфераза активлиги тажрибанинг 20-кунida 21,5 % га ва 60-кунida 62 % га ошганлиги қайд этилди. Шунга ўхшаш клиник манзара қон

зардобидаги аспартатаминотрансфераза активлиги ўзгаришида ҳам намоён бўлди, бунда тажрибанинг 60-кунида 59 % гача ошиб борганлиги кузатилди. Ушбу гуруҳдаги холестерин миқдори ҳам тажриба давомида ошиб бориб, тажриба бошига нисбатан тажриба охирида 32,8 % га кўпайганлиги аниқланди. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари қон зардобидаги ферментларда рацион таркибига 1 грамм/кг тирик вазнига Азкамар бентонити қўшиб берилганлиги боис характерли ўзгаришлар қайд этилмади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тажрибадаги биринчи гуруҳ ҳайвонлари қон зардобидаги ферментларнинг ошиши жигарда патологик жараёнларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Жигарда патологик ҳолатлар намоён бўлганда унинг цитоплазмасини паренхимаси бузилади ва оқибатда ферментлар қонда кўпаяди. Иккинчи гуруҳ ҳайвонларида жигар ҳужайраларининг бузилиши Азкамар бентонити адсорбцион хусусияти туфайли камроқ намоён бўлди.

3.2.2. Сассик каврак донининг кўчқорлар спермасининг физикавий ва морфологик хусусиятларига таъсирини

Биринчи тажриба гуруҳи кўчқорлар спермасининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари

1-гуруҳ- М

Тажриба кунлари	Биометрик кўрсаткичлар	Эякулят хажми, мл	Концентрация си млрд/мл	Тирик ва ўлик сперматозоидлар (%)	Патологик сперматозоидлар (%)	Нафас олиши (мин)	Муҳити-РН	Харакатчанлиги Балл
Тажриба бағча	M ±m %	1.0 ± 0.01 100	2.3 ± 0.1 100	85 ± 2.56 100	12.5 ± 0.58 100	8 ± 0.50 100	6.9 ± 0.40 100	8.5 ± 0.95 100
15	M±m %	0.96 ± 0.02 96	2.7 ± 0.2 117.3	86.6 ± 2.80 101.8	11.8 ± 0.58 94.4	8 ± 0.60 100	7 ±0.35 101.4	8.3 ± 0.85 97.6
30	M±m %	1.1 ± 0.01 110	2.75 ± 0.3 119.5	86 ± 2.45 101.1	11.8 ± 0.95 94.4	8.6 ± 0.66 107.5	6.9 ± 0.40 100	8.6 ± 0.96 101.1
45	M±m %	1.03 ± 0.03 103	2.6 ± 0.02 113	87 ± 2.36 102.3	12.0 ± 0.90 96	8 ± 0.70 100	6.9 ± 0.40 100	9.0 ± 0.96 105.8
60	M±m %	1.0 ± 0.02 100	2.7 ± 0.2 117.3	87.6 ± 2.80 103	14.8 ± 0.94 118.4	7.6 ± 0.80 95	7 ± 0.45 101.4	8.2 ± 0.93 96.4

Иккинчи тажриба гуруҳи кўчқорлар спермасининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари

2-гуруҳ- М

Тажриба кунлари	Биометрик кўрсаткичлар	Эякулят хажми, мл	Концентрация си млрд/мл	Тирик ва ўлик сперматозоидлар (%)	Патологик сперматозоидлар (%)	Нафас олиши (мин)	Муҳити-РН	Харакатчанлиги Балл
Тажриба бағча	M ±m	1.1 ± 0.02	2.25 ± 0.2	86.8 ± 1.80	14.5 ± 0.60	7 ± 0.40	7 ± 0.45	8.7 ± 0.70
	%	100	100	100	100	100	100	100
15	M±m	0.97 ± 0.02	2.15 ± 0.2	85 ± 1.90	13 ± 0.80	7.6 ± 0.45	7 ± 0.50	8.3 ± 0.80
	%	88.1	95.5	97.7	89.6	108.5	100	95.4
30	M±m	0.90 ± 0.01	2.10 ± 0.2	84 ± 2.40	12 ± 0.60	8.3 ± 0.60	7 ± 0.40	8 ± 0.80
	%	81.8	93.3	96.7	82.7	118.5	100	91.5
45	M±m	0.85 ± 0.01	1.90 ± 0.1	83 ± 2.30	11 ± 0.70	10 ± 0.50	7 ± 0.35	7.5 ± 0.70
	%	77.2	84.4	95.6	75.8	142.8	100	86.2
60	M±m	0.80 ± 0.01	1.80 ± 0.1	80 ± 2.50	11 ± 0.60	15 ± 0.60	7 ± 0.40	7 ± 0.75
	%	72.7	80	92.2	75.8	214.3	100	80.4

Учинчи назорат гуруҳи кўчқорлар спермасининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари

3-гуруҳ- М

Тажиба кунлари	Биометрик кўрсаткичлар	Эякулят хажми, мл	Концентрация си млрд/мл	Тирик ва ўлик сперматозоид лар (%)	Патологик сперматозо- идлар (%)	Нафас олиши (мин)	Муҳити- РН	Харакатч анлиги Балл
Тажи багача	M ±m	1.03 ± 0.01	2.34 ± 0.1	83.4 ± 2.10	14 ± 0.50	8.6 ± 0.45	6.9	8.2 ± 0.20
	%	100	100	100	100	100	100	100
15	M±m	1.0 ± 0.01	2.3 ± 0.1	85.6 ± 2.15	12.8 ± 0.60	8.6 ± 0.50	6.9	7.6 ± 0.50
	%	97	98.2	102.6	91.4	100	100	92.6
30	M±m	0.99 ± 0.01	2.37 ± 0.2	83 ± 2.20	13 ± 0.40	9.3 ± 0.60	6.9	8.1 ± 0.80
	%	96.1	101.2	99.5	92.8	108.1	100	98.2
45	M±m	1.1 ± 0.02	2.4 ± 0.1	85 ± 2.60	14.1 ± 0.45	9 ± 0.50	6.9	7.8 ± 0.85
	%	106.7	102.5	101.9	100.7	104.6	100	95.1
60	M±m	1.0 ± 0.01	2.5 ± 0.2	86 ± 2.50	13.5 ± 0.50	8.6 ± 0.45	7	8.1 ± 0.35
	%	97	106.8	103.1	96.4	100	101.4	98.2

IV. ВЕТЕРИНАРИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ИҚТИСОДИ

Республикамиз қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда маҳсулот ва хом ашё ишлаб чиқариш сифатини оширишда ҳайвонларнинг саломатлиги ва Давлатимиз ҳудудининг эпизоотик соғлигини таъминлашда юқори малакали ва иқтисодий самара берувчи ветеринария хизматини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ветеринария ишини ташкил этиш шу соҳадаги барча махсус фанлар эришган ютуқларга асосланган бўлиб, ветеринария мутахассислари билиши керак бўлган асосий масалаларини ўз ичига олади.

Булар Республикада ветеринария хизматининг манбалари: ветеринария масалаларига доир қонунчилик; Республика, вилоят, туман ва хўжаликда ветеринария хизматининг ташкил қилиниши; касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишлари; эпизоотияга қарши тадбирлар; ветеринария хизматини моддий жиҳатдан таъминлаш ва ҳакозолардир.

Ветеринария хизмати бу давлат муассасалари, қишлоқ хўжалиги ва жамоат ташкилотларининг бирлашган тадбирийд чоралари бўлиб, чорва молларининг маҳсулдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, шу жумладан, инсониятни ҳайвон ва одам учун умумий бўлган касалликлардан сақлашдан иборат бўлган оғир ва маъсулиятли ишдир.

Бунинг учун фан ва амалиёт ютуқларини умумлаштириб, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, барча ҳайвонларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳамда қарши курашишда амалий ташкилотчилик хизматини кўрсатади. Айни пайтда халқ хўжалигининг иқтисодиётида ижтимоий ҳаёт ва муҳофаа хизматида муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро вилояти Пешку тумани ветеринария бўлими туман марказида жойлашган. Туман ветеринария бўлимида 12 та ветеринария участкаси бўлиб, тумандаги барча хўжаликларга хизмат қилади.

Пул ва маблағ билан таъминланишини 3 та манбаси мавжуд бўлиб:

1. Давлат бюджетидан.
2. Давлат суғурта тўловидан.
3. Хўжаликда ветеринария хизматини ташкил этишга ажратилган маблағ ҳисобидан.

Бу маблағлар ҳисобидан биопрепаратлар, дезинфекцияловчи воситалар, дорилар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар олишга сарфланади.

Туман ветеринария бўлими қуйидаги режа асосида иш олиб боради:

1. Перспектив режалар – сурункали кечувчи юқумли касалликлар (туберкулёз, бруцеллёз)ни йўқотиш ва ветеринария муассасаларини қуриш.
2. Жорий режалар – эпизоотияга қарши-кураш тадбирлари режаси, диспансеризация ўтказиш, ветеринария-санитария тадбирлари режаси ва бошқалар.
3. Оператив – тезкор режалар юқумли касалликлар чиқса, карантин қўйиш ва касалликни тугатиш ва ҳоказалар.

Туман ветеринария бўлимида қуйидаги ишлар ташкил этилади:

- ҳар ойда бир марта санитария куни, тозалик куни ўтказилади;
- дезинфекция, дератизация режалари белгиланган муддатда амалга оширилади;
- ветеринария мутахассисларига мутахассисликка оид махсус инструктажлар ўтказиб турилади;
- режа асосида юқумли касалликларга қарши эмлашлар ўтказилади;
- касал ҳайвонлар қабул қилинади ва диагноз қўйилиб, даволанади;
- касал ҳайвонлар сақланган хоналар, уларга ишлатилган асбоб анжомларнинг барчаси 10%-ли креолин, 4%-ли ўювчи натрий, 3%-ли хлорли оҳак, 20%-ли сўндирилган оҳак эритмалари билан дезинфекцияланади.

Бу тадбирлар касалликларни олдини олиш ва уларни даволашда ўз самарасини бермоқда.

Туман ветеринария бўлимида қуйидаги журналлар юритилади.

1. Касал ҳайвонларни қайд этиш журнали “№1 Вет”

2. Туман эпизоотик аҳволини журнали “№2 Вет”. Эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирларни қайд этиш журнали.

3. Ҳисобот журнали:

3.1. Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари бўйича ҳисобот журнали.

3.2. Ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлари бўйича ҳисобот журнали.

Ҳисобот ҳар ойда, ҳар уч ойда (кварталда) ва йиллик бўлади.

Ҳозирги вақтда хўжаликларда ҳайвонларнинг бош сонини асраш, уларни боқиш ва сақлаш ишларига кенг эътибор берилмоқда. Бунинг учун ҳайвонлар ёппасига ветеринария кўригидан ўтказилиб, уларда эмлаш ва дегельминтизация каби чора-тадбирлар режа асосида олиб борилади.

Юқумли касаллик аниқланганда ёки ҳайвонларнинг ўта хавфли касаллиги мавжудлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлганида, юридик ва жисмоний шахсларга молларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш, чорвачилик маҳсулотлари ва ҳайвонот дунёсига мансуб хом ашёни зарарсизлантириш, уларни ишловдан ўтказиш ёки фойдаланишга доир бажарилиши мажбурий талабларни белгилаб қўяди.

Ветеринария хизматини маблағ билан таъминлаш хўжаликда ўтказиладиган барча тадбирларни ўтказиш учун сарфланадиган дори-дармонлар, асбоблар, эмлаш учун вакциналар “Зооветтаъминот” таъминлаши ва коммерция ветдорихоналар томонидан таъминланади. Бу таъминотларга хўжалик томонидан маблағ ўтказилади.

Эмлаш учун вакциналар ва турли зардоблар давлат томонидан бепул берилади. Режалаштирилган маблағ билан таъминлаш хўжалик ҳисобидан амалга оширилади.

V. ҚОРАКЎЛЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИ.

Бозор иқтисодиёти шаротида халқ хўжалигини, жумладан қишлоқ хўжалигини режалаштириш ва олдиндан мақсадга мувофиқлаштириш бозор муносабатлари шароитида бошқаришнинг асосий таянчи бўлиб қолади. Ривожланган барча мамлакатларда режалаштириш ва прогнозлаштириш энг

муҳим иқтисодий бошқариш механизмлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кўп тармоқли қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан режалаштириш энг асосий омилдир.

Қорақўлчилик чорвачиликда, айниқса қўйчиликда катта аҳамиятга эга. Чунки қорақўлчилик чорвачиликнинг товар маҳсулот етиштиришдаги етакчи тармоқларидан ҳисобланади, гўшт етиштиришда қорамолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Қўй гўшти ҳар йили Ўзбекистонда етиштириладиган гўштнинг 20 фоизини ташкил этади.

Табиийки, чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳозир энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ихтисослаштириш бир қанча омилларга, шу жумладан хўжаликнинг табиий-иқтисодий шароитига, қўйлар зотига, уларни боқиш услубига, хўжаликдаги ишлаб чиқариш техникасига, маҳсулот етиштириш технологиясига ва буларнинг ҳаммасини бир мақсад учун йўналтирувчи иш жараёнларини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Қорақўлчилик чўл ва ярим чўл минтақаларида яшовчи аҳолининг фаолият кўрсатиш ва даромад олиш манбаси ҳисобланади. Кейинги йилларда тармоқнинг хўжалик юритиш тизимида ҳам, мулкчилик шаклларида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди.

Бунга Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йилларда қабул қилинган қарор ва фармойишлари асос бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги “Қорақўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги 250-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг тармоқда кескин ўзгаришлар бўлиши кузатилди.

Ҳозирги кунда қорақўлчиликда иқтисодий ишларни такомиллаштириш, қорақўлчилик хўжаликлари ва корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республикадаги 30 та наслчилик, 84 та товар хўжаликлари, қўйларни бўрдоқига боқувчи 11 та ва қорақўлча етиштирувчи 84 та мажмуа ҳамда қорақўлчилик маҳсулотларини қайта

ишлайдиган 2 саноат корхонасини бир тизимга бирлаштирувчи, «Ўзбек қоракўли» компанияси ташкил этилган.



Мамлакатимизда ҳар бир хўжалик жойлашган ҳудуднинг табиий шароитига қараб, уларда жойиашган қўйларнинг зотларига кўра қуйидагича ихтисослашишни кузатиш мумкин: қоракўл тери, гўшт-жун ва гўшт-ёғ маҳсулоти берадиган хўжаликлар.

Ҳар бир ҳудуд хўжаликларида қўйчилик асосан икки йўналишда боради. Биринчиси-наследор қўйлар етиштириш. Иккинчиси-товар маҳсулот етиштирувчи фермалар. Наслдор қўйлар етиштирадиган фермаларнинг асосий вазифаси зотли қўйларни тез етиштиришдан ва мавжуд зотларни яхшилашдан ҳамда янги зотларни яратишдан иборат. Товар маҳсулот етиштирувчи фермалар, қўйларни урчитиш, қоракўл тери, жун, гўшт ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш йўлида иш олиб боради.

Мамлакатимизда қоракўлчилик муҳим аҳамиятга эга. Қоракўл қўйлари асосан Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхандарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида боқилади.

Қоракўл - Ўзбекистоннинг ифтихори ва бойлиги ҳисобланади. Қоракўл терилари гул шаклларининг ўзига хослиги, табиийлиги, нақшларининг бойлиги, ипакдек юмшоқлиги, ялтироқлигининг юқорилиги билан жаҳонда шуҳрат қозонди.

Жаҳон бўйича қоракўл қўйлар бош сони ва уларни етиштириш



Қўйчилик хўжаликларини ташкил этишда энг асосий эътибор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бирламчи бўғини - отарлар тузишга қаратилиши шарт.

Отарлар қўйчиликда дастлабки ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланиб, улар қуйидаги жинс ва ёшдаги қўйлардан таркиб топади: совлиқлар, эмизикли қўзилари бўлган совлиқлар; уруғлатувчи қўчқорлар, уруғланадиган қўйларни подадан танлаб берувчи қўчқорлар, катта ёшдаги бичилган қўчқорлар, совлиқдан ажратилган ва катта гуруҳга қўшилиш олдидаги қўчқорлар, совлиқдан ажратилган ва катта гуруҳга қўшилиш олдидаги бичилган қўчқорлар.

Қўзиларни оналаридан ажратиб, отарлар таркиб топшириш куз ойларида, яъни қўзилатиш жараёнидан уч ярим - тўрт ойдан кейин амалга оширилади.

Қорақўлчиликка ихтисослашган ва қўйчилик яхши ривожланган фермаларнинг мақсадга мувофиқ ҳажми 12000-16000 бош бўлиши лозим.

Мамлакатимизда махсус қорақўлчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ҳар бирида ўртача 20000 дан 60000 бошгача қўй мавжуддир.

Қўйчилик иккинси даражали тармоқ бўлган корхоналарда ўртача бир хўжаликка тўғри келадиган қўйларнинг бош сони ҳар хилдир: дон этиштирувчи хўжаликларда 4400, пахтачилик хўжаликларида 2300, гўшт ва гўшт-сут етиштираувчи хўжаликларда 3300, бошқа маҳсулот етиштиришга ихтисослашганларда эса 155 бошдан 385 бошгача.

Қўйчилик фермаларининг ҳажми хўжаликлар ишлаб чиқариш шароитига қараб ҳар хилдирки, булар мақсадга мувофиқ ҳолат эмас.

Ишлаб чиқариш жадаллашган сари фермалар ҳажми ўзгариб, такомиллашиб бораверади.

VI. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.

Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида» китобида экологик муаммолар тўғрисида шундай деган эди: «Миллий хавфсизликка қарши муаммоларни кўриб чиқар эканмиз экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси эътиборга моликдир.

Асрлар давомида тўпланиб келган экологик муаммо ҳозирги паллада бутун инсоният, мамлакатлар аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш, ўз-ўзидан инсониятни ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Табиат ва инсон ўзаро мустақил қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш, ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Бетўхтов давом этаётган қуролланиш пойғаси, атом-кимёвий қуроллари ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини синаш, инсоният яшаётган муҳит учун жуда ката хавф туғдирмоқда.

Табиатга қўпол ва таваккалчилик билан муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай муносабатда бўлишга йўл қўйилса, табиат буни кечирмайди.

Ҳозирги пайтда Республикада истиқболли, яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолият ана шу дастур асосида ташкил этилган. Дастурда Республикада экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳарлар ва шаҳар агромелиорациялар кабиларда экологик кескинликка барҳам бериш йўллари белгиланган.

Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича, «Экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишларидан бири: “Жонли табиатнинг бутун табиат генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги

турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак».

6.1.Меҳнатни муҳофаза қилиш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бу қонуний тизим ҳисобланиб социал-иқтисодий ва техникавий ҳамда санитария-гигиена ва ташкилий чора-тадбирлари бўлиб, одамларнинг иш жараёнида соғлигини ва ишлаш қобилиятини сақлашга қаратилган.

Махсус гигиена қоидалари бўйича ҳайвонларни тоза биноларда сақлаш керак.

Ҳозирги вақтда ядровий, кимёвий ва бактериологик қирғин қуро-ларнинг мавжудлиги аҳолини оммавий қирғинлардан сақлаш кераклиги долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Бактериологик қуро-лар қўлланилганда кўпинча, ўткир юқумли касал-ликлар (куйдирги, қоқшол, манқа, кутириш ва бошқалар)нинг қўзғатув-чилари қўлланилиб, одам ва ҳайвонлар ҳаво, сув, озиқа, ҳашоратлар орқали зарарланадилар ва тез тарқалиб, одам ва ҳайвонлар ўртасида эпидемия бошланишига олиб келади.

Зарарланган ҳайвонлар алоҳида гуруҳларда сақланиб, даволаш ишлари ўтказилиши керак. Бунинг учун: гиппериммун қон зардоби, антибиотиклар, сульфаниламид препаратлари қўлланилади. Моллар юқумли касалликларга қарши махсус эмланади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида чорвачилик ҳам механизациялаш-тирилиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам бу йўналиш бўйича ташкилий ишлар самарали тусда олиб борилмоқда.

Чорвачилик объектларида албатта ёнғинга қарши воситалар ҳовузлар ёнғин хавфи чиқмаслиги учун махсус мутахассислар электр тармоқларини, газ йўлларини изчиллик билан текшириб туришлари шарт.

Чорва ходимларини шахсий гигиенаси сифатида маълум вақт оралиғида махсус кийимлар билан таъминланади. Буларнинг тозалигини эса ветеринария врачлари назорат қилиб боради.

Меҳнат хавфсизлиги бўйича хўжалик раҳбарлари томонидан маълум шахс маъсул қилиб этиб тайинланади ва у доимо меҳнат хавфсизлиги бўйича назорат ишларини олиб боради.

6.2. Фуқаролар мудофааси.

Фуқаролар мудофаасининг асосий вазифаларидан бири – қишлоқ хўжалик объектларининг барқарор ишлашини таъминлашдир.

Янги ишга қараётган кишилар билан инструктаж ўтказилади. Инструктаждан кейин тегишли ёзувлар махсус дафтарчаларда қайд этилади ва ходимнинг шахсий жилдларига солинади. Бу йилда жилдлар сейфларда сақланади. Ҳар йили икки мартаба инструктаж ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маърузалар ўтказилади ва бу албатта махсус журналларда қайд этилади. Ишчининг соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида унга халат, қўл-коп, резина этик ҳамда респиратор берилади.

Чорвачилик фермаларига ишга қабул қилинаётган кишилар махсус тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Кейинчалик ҳар кварталда яна қайта тиббий кўрикдан ўтиб туришлари зарур.

Чорвачилик фермасида хизмат қилаётган кишиларга алоҳида хизмат қилиш талаблари қўйилади.

Молларнинг юқумли касалликлари одамларга юқмаслиги учун иш жойида овқатланмаслиги керак.

Моллар билан ишлаганда ҳушёрлик билан ишлаш лозим. Ҳайвонлар оғилларда, яйраш майдонларида ва далаларда боқилади. Молхоналарда боқилганда молларни клиник кўрикдан ўтказиш учун ушлаганда, фиксация қилишда жуда эътибор бериш лозим, чунки улар шохлаши ёки тепиши мумкин.

Хўжаликда ойлик календарь иш режаси бўлиши лозим. Уни хўжалик раҳбари, туман ҳокими тасдиқлаган профилактик ва эпизоотияга қарши кураш тадбирларининг йиллик режасини ҳисобга олган ҳолда тузиб чиқади.

Ойлик режага киритиладиган ишларнинг турлари реал шароитга боғлиқ ҳолда турли туман бўлиши мумкин.

Демак, чорва молларини муҳлфаза қилиш фуқора муҳофаази зиммасига юклатилади.

Шундай экан, ветеринария мутахассислари оғзаки ва ёзма воситалардан, тарғибот воситалардан унумли фойдаланган ҳолда чорвачиликларга ва аҳоли ўртасида юқумли ва паразитар касаллик кўзгатувчиларига қарши кураш чора-тадбирларини кенг кўламда тушунтиришлари лозим ва шарт.

IX. Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураимов Х., Раҳманкулов У. Нурота тоғларида ўсувчи айрим коврак турларининг гуллаш биологияси. “Организм ва муҳит” II Республика симпозиум маъруза материаллари. Тошкент. 1995. 207-208 б.
2. Абу Али ибн Сино (Авиценна). Канон врачебной науки. Ташкент, 1954. Кн.1. 546 С. 1956. Кн. 2. 537 С.
3. Адылов Т.А. Ядовитые и алкалоидоносные растения каракулеводческих пастбищ Узбекистана. Ташкент. Фан, 1970, 244 С.
4. Аль-Беруни, Абу-Райхан-Мухамед ибн Ахмед. Избранные произведения. 1973. Ташкент. Фан. Т.4. 1120 С.
5. Ахунов Х.М. Растительность северного склона горы Минора-Таш в Паркентском горнолесном заповеднике. Науч. Труды ТашГУ, Ташкент, 1966. Вып. 289. С. 79-90.

6. Бабеков А.У., Саидходжаев А.И., Кенушов Б.М. Сложные эфиры *Ferula Kuhistanica* // Химия природ. соедин. – Ташкент, 2000.-№2. –С.174.
7. Бабеков А.У., Саидходжаев А.И., Кенушов Б.М. Сложные эфиры *Ferula Kuhistanica* // Химия природ. соедин. – Ташкент, 2000.-№6. –С.502.
8. Багиров В.Ю. Ароматический альдегид из *Ferula equisetacea*. Химия природ. соедин. 1978. 5 С. 660-662.
9. Благовещенский А.И. Лекарственные растения пастбищ Узбекистана. Ташкент. Мехнат, 1989. 135 С.
- 10.Булгакова Л.Л. Медоносные растения прибрежной зоны среднего течения. р. Сыр-Дарьи. Автореф. дисс. канд. биол. Наук. Ташкент. 1978. 30 с.
- 11.Булгакова Л.Л. О медоносных растениях приташкентских чуйей. Вопросы музееведения. Ташкент. Фан. 1978. С. 59-69.
- 12.Булгакова Л.Л. Цветение и нектаропродуктивность каврака. Пчеловодство. 1972. 2 С. 14-17.
- 13.Булгакова Л.Л., Суворин Ф.О. Медоносы кочевого пчеловодства. Ташкент. Госиэд. 1961. 69 с.
- 14.Буркалиев А.М., Лодянов В.С. Ветеринарный справочник лекарственных веществ. 2-ое издание. М: Колос. 1969. 372 с.
- 15.Веселовская Н.В., Скляр Ю.Е. Ферулин из *Ferula iliensis*. //Химия природ. соедин. 1984. №.С. 387-388.

<http://www.al-iman.ru/>

forum.ziyouz.com/index.php?topic=6652.0;wap2

forum.islom.uz/smf/index.php?topic=22403.0

<http://medgrasses.ru/ferula.html>

IMG:<http://www.landart.ru/flowers/pic-flowers/Ferula-kuhistanica.jpg>

<http://argo.chudoforum.ru/t3706-topic>

http://www.med.uz/spr/sprav/flora.php?ELEMENT_ID=7322

http://kuking.net/8_954.htm

<http://kadikov.blog.ru/123926291.html>

lobzik-rabota@bk.ru

ІХ. ІЛОВА

Х. ИНТЕРНЕТ

МАЪЛУМОТЛАРИ

Сасиқ ковракнинг фойдаси [/color]

Сассиқ коврак – “анжудан” номли ўсимликнинг шираси бўлиб, Мисрда уни “абу кабир” деб аташади. Энг сифатли коврак елим-смоласи – бу қизил, кучли ҳиди (саримсоқ ва пиёз иси каби) бор ковракдир. Баъзилар уни ана шу ҳиди сабабли хуш кўришмайди. Бошқа коврак турларининг бундан ҳам кучли ва нохуш ҳиди бўлади. Коврак ўзига тортиш кучига эга бўлиб, гўшт ҳажмини кичрайтиради ва уни титкилаб ташлайди. Бошқа дарахт шираларига нисбатан унинг табиати энг иссиқ ва сийрак, шунинг учун у кучли сўриш таъсирига эгадир. Ковракнинг фойдаси кўп – қадимда одамлар унинг баъзи фойдали томонлари ҳақида яхши билишган, қолган фойдаси ҳақида эса деярли ҳеч қандай маълумот йўқ.

1. **Сассиқ коврак шилимшиқ чиқарадиган, балғам ташлатадиган** таъсирга эга, кўкрак қафасини тозалаб, овозни тиниқлаштиради (агар уни сувда эритиб ичса, хириллаган овоз очилади; бундан ташқари у сурункали йўтал ва хроник овоз хириллашига қарши ёрдам беради).

2. **Хилтит яллиғланган муртакларни даволашда ёрдам беради.** Бу учун уни асал билан аралаштириб оғиз ичкарасига суртиш керак. Агар истеъмол сиркаси билан хилтит аралаштириб, бинтни унда ҳўллаб олиб, томоққа боғлаб қўйилса, у томоқдаги балғамларни чиқаради.

3. **Заҳарга қарши дори.** Ковракни заҳар таъсирига қарши ҳимоя сифатида ичиш мумкин. Шунингдек, заҳарланган ўқ учи етказган очиқ жароҳатларга

хам уни суртиб заҳар таъсирини йўқ қилиш мумкин. Чаён чакқанда эса уни илиқ ўсимлик мойига аралаштириб, чакқан жойга суртиш керак.

4. Коврак кўриш қобилятини яхшилади, катаракта, кўз касалликлари ва шишларини даволайди. Агар тез-тез ёшланадиган кўзларга уни асал билан аралаштириб сурма каби сурса, у кўз ёшларининг тез-тез келиши олдини олади. Агар уни емирилган тишга қўйса, у оғриқни секинлаштиради.

5. У қулоқ оғриқларини (қулоқнинг шанғиллаши) ва сурункали қулоғи оғирлик (карлик)ни даволайди. Бу учун уни мойда қайнатиб қулоққа томизиш лозим.

6. Коврак артрит ва бўғим оғриқларини даволашда ёрдам беради. У асаб касалликларини даволашда самарали восита ҳисобланади. Масалан, юз фалажи бор беморларга уни юз терисига суртиб сингдирмоқ керак, оддий фалажлик ва бел оғриқларида, асаблар заифлашганда ҳам ёрдам беради. Агар уни суюқ дори сифатида ичса, ёки малҳам дори сифатида суртса, у ишиас, сон ва болдирлардаги оғриқларни бартараф этади.

7. Сассиқ коврак қонни тозалайди ва безгакни йўқ қилади.

8. Ичга қабул қилганда коврак бодларни чиқаради, қорин бўшлиғида туриб қолган қонни тозалайди ва санчиқларни йўқ қилади. Сурункали диареядан азият чекаётган беморлар уни 2 грамм миқдорида тановул қилиб, дардларидан қутулишлари мумкин. У ичаклардаги яраларни даволашда ёрдам беради, ичдаги қуртларни чиқаради. Бундан ташқари, у жигар ва ошқозон учун ҳам фойдалидир.

9. У ички шишларни ва зарарли суюқликларни сўрилишига ёрдам беради. Истиско, сариқ касали ва талоқ шамоллашини даволайди ва организмда ушланиб қолган зарарли буғларни (бод ва суюқлик заррачалари) чиқартиради.

10. Бавосилни йўқ қилишда ёрдам беради, яъни уни кичрайтириб қуритади. Хилтит сийдик сурувчи восита ҳисобланади. Агар уни мирра ва қалампирга аралаштириб еса, у тўхтаб қолган сийдикни чиқаради, ҳайз қонини кўпайтиради ва ҳомиланинг тушишига олиб келади.

11. Ҳиндистонликлар жинсий қувватни ошириш учун ундан турли усулларда фойдаланадилар.

12. Хилтит хавфли ва қаттиқ бўлиб қолган ўсмаларни йўқ қилишда кўмаклашади. Бунда уни ичга ҳам қабул қилиш мумкин, ҳам ташқи қўллаш мумкин. Ҳозирги кунда тиббиёт саратон ва бошқа касалликларни даволашда ковракдан фойдаланиб келмоқда ва бу яхши натижаларни бермоқда.

13. Косметология соҳасида ундан темиртки, сепкил, сўгал ва чандиқларни йўқ қилишда фойдаланилади. Алопеция (соч тўкилиши)да эса у истеъмол сиркасига аралаштириб қўлланилади.

14. Агар хилтитни ҳар куни наҳорда 1-2 грамм миқдорда ичса, у қориндаги сеҳрни чиқаришда ёрдам беради.

forum.ziyouz.com/index.php?topic=6652.0;wap2

Сассиқ коврак (хилтит, асафетида, حلتيت)

14/05/2011 — admin

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ



Сассиқ

коврак (асафётида; лот. *Ferula assa-foetida*)

Биродарлар, қадим замонлардан бери кўпгина касалликларни даволашда самарали восита сифатида фойдаланиб келинган даво воситасини эътиборигизга ҳавола этаман. Сеҳргарлар уни бошқа гиёҳлар қатори сеҳр ишларида ишлатиб келганлар. Шу сабабли Тавҳид аҳлидан кўпчилик уни табобатда ишлатишни хуш кўришмаган ва “унинг сеҳр билан алоқаси бор” деб барчани ундан огоҳлантирганлар.

